12 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 63 (10.059). 1991 йил 2 апрель сешанба Баҳоси 6 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачев раислигида ўтган навбатдаги мажлисида СССР Референдумининг сиёсий якунлари ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул этилган қарорда таъкидланадики, 1991 йил 17 март куни СССР халқ депутатлари IV съездининг қарорига биноан бўлиб ўтган Бутуниттифоқ Референдуми мамлакатдаги йирик сиёсий воқеа, демократик ўзгартишларнинг муҳим босқичи бўлди.

Референдум иттифоқ тарафдорлари билан уни барбод этишга уринаётганлар ўртасидаги ўзаро кураш шароитида тайёрланди ва ўтказилди. Бир қанча жойларда СССР Конституцияси қўпол равишда бузилди, одамларнинг мамлакатимиз турмуши тақдирига таллуқли масалага ўз муносабатини изҳор этиш ҳуқуқини амалга оширишларига ҳалақит бериш учун кўп иш қилинди.

Бузғунчи кучлар шовқин-суронли митинглар ўтказиб, ўз матбуот органларида, варақаларида, плакатларида иш ташлашларга даъват этиб, андишасизларча туҳмат қилиб, бошқача фикрловчиларга нафрат билдириб, демократ деган ниқобни узил-кесил улоқтириб ташладилар, халқ манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган ҳақиқий мақсадларини рўй-рост билдириб қўйдилар. Миллатлараро можаролар кучайди, жиноятчилик ошди. Айни вақтда баъзи чет эл ташкилотлари томонидан СССР-даги афкор оммага тазйиқ кучайди.

Мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазият референдумга жиддий таъсир ўтказмай қола олмади. Иқтисодий алоқалар узилиб, ишлаб чиқариш камайиши, иш ташлашлар ва меҳнат интизомининг пасайиши, молларнинг етишмаслиги ва нарх-навонинг ошганлиги жамиятдаги ижтимоий кескинликни ҳаддан ташқари ошириб юборди.

Шунга қарамай, деб таъкидланади қарорда, бундай шароитда референдумда қатнашганларнинг 76 фоиздан кўпроғи иттифоқни янгилаш, мустақил республикаларнинг федерациясини учун, танлаб олинган социалистик йўл, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бутун мамлакатдаги ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат берилиши учун овоз берди. Улар сиёсий барқарорлик учун, ССР Иттифоқи халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва хавфсизлик омили бўлган иттифоқ учун овоз бердилар. Умуман референдумга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтиши мамлакат учун мураккаб ва бурилиш даврида халқнинг донолигини, соғлом ақл-идрок устун бўлиб чиқаётганини, бузғунчи кучларнинг ҳамма ҳийлаларига қарши турганини, умумдавлат миқёсида биргалашиб, демократик йўл билан вазмин қарорлар қабул қилиш имконини беришини яққол кўрсатди. Референдумнинг бош сиёсий якуни мана шундай бўлди.

Шу билан бирга, дейилади ҳужжатда, сайловчиларнинг бир талай қисми «йўқ» жавобини берганлиги ёки овоз беришда қатнашмаганлиги ҳолати ташвишлантирмоқда. Аммо уларнинг ҳаммасини иттифоқнинг душманлари қаторига қўшиб қўйиш нотўғри бўлур эди. Уларнинг кўпчилик қисми жамиятдаги ҳозирги аҳволдан қониқмаётганлигини изҳор этди. Бундан партиянинг бутун амалий фаолияти учун муҳим хулосалардан бири келиб чиқади — вазиятни яхшилик сари тубдан ўзгартириш зарур. Мамлакат олий ҳокимият органларининг, КПССнинг, бошқа ватанпарвар кучларнинг иттифоқни янгилаш ва сақлаб қолиш йўлини ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватлаганини референдум якунлари кўрсатиб турибди. Бу ҳол Конституцияни ва қонунни ҳурмат қилиш нуқтаи назарига амал қилаётган барча кишиларга қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиш ҳуқуқини беради. Иқтисодиёт соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуини фаолроқ амалга ошириш керак. Хўжалик алоқаларини тиклаш, ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, уни барқарорлаштириш учун энг зарур чораларни кучайтириш, яъни СССР халқ депутатлари IV съезди қабул этган тангликни тугатиш дастурини янада қатъият билан амалга ошириш учун ҳамма ишни қилиш лозим. Ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳозир стратегик аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Халқнинг фаровонлиги ва осойишталиги шу вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Шундай ҳаракатлар билан айни бир вақтда қонуний йўл орқали тартибни мустаҳкамлаш, интизомни кўтариш, можароларни юмшатиш, вазиятни барқарорлаштириш сари қатъий бориш зарур. Акс холда ҳам сўл экстремист, ҳам ўнг экстремист кучлар томонидан диктатура хавфи ортаверади. Коммунистларнинг, Ватан тақдирини азиз билувчи барча кишиларнинг бурчи реакцияни тўхтатиб қолишдан, демократик ислоҳотларни сақлаб қолиш ва давом эттиришдан, Конституция меъёрларига ва қонунийликка бекаму-кўст риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Референдум якунлари иттифоқ шартномаси устидаги ишни тугаллаш учун зарур шарт-шароит яратади, деб таъкидланади ҳужжатда. Ву ишни пайсалга солиб бўлмайди, чунки ихтилофчи кучлар ҳозирнинг ўзидаёқ референдум якунларини рад этишга, тақдирга даҳлдор масалаларни яна самарасиз мунозаралар бот қоғига ботириб юборишга уринмоқдалар. Иттифоқдан ўз-ўзидан чиқиб кетаверилмайди. Бу соҳада ҳам барча оқибатларга, шу жумладан иттифоқ таркибида бўлиш билан боғлиқ бўлган имтиёзлардан маҳрум бўлишга олиб борадиган қонун амал қилиши керак. Бу масалада партиянинг принципиал ёндашуви — миллий мансублигидан қатъий назар шахс ҳуқуқлари ҳимояланишига тўла кафолат беришдан, республикаларнинг сиёсий ва иқтисодий иттифоқини нуқул иқтисодий иттифоқ билан алмаштириш ёки турли-туман битимлар асосида параллел ҳокимият тузилмаларини вужудга келтириш йўлидаги уринишлар қабул этилмаслигидан иборат.

Иттифоқ Шартномасининг тузилиши барча республикаларнинг куч-ғайратларига боғлиқ. Шу муносабат билан РСФСР раҳбарияти бир қисмининг баёнотлари ва ҳатти-ҳаракатлари ноизчил эканлиги алоҳида хавотирлик уйғотмоқда, бу нарса замирида ССР Иттифоқини ҳам, шунингдек Россия Федерациясининг ўзини ҳам барбод этиш хавфи бор. Ҳолбуки, Россия ҳамиша ССР Иттифоқини жипслаштирувчи куч бўлиб келган, бинобарин Иттифоқ Шартномасининг тузилишига халқ номидан тўсқинлик қилиш ёки ҳалақит бериш масъулиятини ўз зиммасига олаётган кимсалар аслида халққа қарши ҳалокатли сиёсат ўтказмоқдалар.

Сиёсий бюро ҳисоблайдики, партиянинг мамлакатни демократик руҳда ривожлантиришдан манфаатдор бўлган оммавий жамоат ҳаракатлари ва сиёсий ташкилотлар билан ўзаро алоқаси референдум якунларига ижобий таъсир қилди. Касаба уюшмалари, комсомол, хотин-қизлар ва фахрийларнинг жамоат ташкилотлари, бир қанча ижодий уюшмалар ҳозирги пайтнинг муҳимлигини тушуниб турганликларини кўрсатдилар. Кўпчилик диний ташкилотларнинг намояндалари референдумни қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Литва, Латвия ва Эстония (КПСС) Компартиялари мураккаб вазиятда, тўғридан-тўғри қувғин қилиш ва тақиқлар муҳитида аниқ мақсадни кўзлаб ишладилар. Озарбайжон ва Украина Компартиялари вазиятни ўзгартиришга ва барча соғлом, чинакам халқпарвар кучлар билан биргаликда яхши натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар. Кўпгина оммавий ахборот воситалари, маҳаллий партия комитетларининг рўзномалари, ҳужжатлар мавқеида турдилар. Марказий телекўрсатувнинг умуман вазмин, холисона мавқеи ижобий аҳамиятга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, айни вақтда, референдумга тайёргарлик партия комитетларининг фаолиятидаги жиддий камчиликларни очиб ташлаганига эътибор-

(Давоми 2-бетда).



● БУКА район Ҳамза номли колхоздаги «Дўстлик» ижара хўжалигининг ташкил топганига эндигина бир йил бўлди. Ш. Валижонов бошчилик қилаётган ижарачилар ўтган йили 472 минг сўм соф даромад олишди. Бу йил 100 гектар майдонда қовун-тарвуз, пиёз, картошка, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришни ният қилишган. Узоқни кўзлаб меҳнат қилаётган азаматлар чорвачиликка ҳам эътиборни қаратдилар. Ҳозирда 120 бош қўй, 15 бош қорамол, 12 та отни парвариш қилишмоқда. СУРАТЛАРДА: (чапдан) Қ. Отабоев, ижара хўжалиги бошлиғи Ш. Валижонов, ферма мудири Т. Қуролов, сут соғувчилар Р. Эдилбоева, М. Мусулмонова. Қовун-тарвуз плёнка остига экиб бўлинди. Ижара хўжалигидаги йилқилар.

В. ТЎРАЕВ сурат-лавҳаси.

ПИЛЛАЧИЛИК МУАММОЛАРИ

ШУНЧАЛИК НОШУДМИЗМИ?

Республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг яқинда бўлиб ўтган қурултойи ҳақидаги ҳисоботларни кўздан кечираётиб, бизда бир килограмм қуруқ пилланинг жаҳон бозоридаги нархи 7—8 доллар, Хитой пилласининг нархи эса 20 доллар эканлиги ҳақидаги маълумотдан кўнглим хижил бўлди. Ахир ҳар йили пилламиз — тилламиз, деб озмунча ҳаракат қиламизми?! Қанчадан-қанча сарф-харажат бўлмайди. Наҳотки, шунчалик ношуд бўлсак? Илғор тажриба жорий қилинаяпти, фан ютуқлари қўлланилаяпти, деб тинимсиз ёзиб, айтиб, мақтаниб келаётганимизнинг натижаси шуми? Ўз-ўзидан пайдо бўлган бундай саволларга мутахассислардан мавсумолди суҳбати ўтказиб, жавоб олишга аҳд қилдик. Мушкулимни вилоят пиллачилик бирлашмасида узоқ вақтдан буён ишлаб келаётган бош агроном Абдураҳим АЗИЗОВ осон қилди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

— Мана, бу йил пилланинг ўртача харид нархи 2,7 баравар ошди. Қайта қуриш, мустақиллик деганларидек, ҳар ҳолда эндиликда ишлар сал бошқачароқ ташкил этилса керак.

— Албатта, аввалига озроқ тайёргарликдан айтайми?

— Шартмикан. Об-ҳаво яхши келаяпти. Ҳар хил йиғилишлар ,семинарлар ўтказилиб, мутахассислар-нинг, қурт боқувчиларнинг сабоғи оширилди. Қурт очириш ускуналари, анжомлар тахт қилиб қўйилди. Тут кўчатини экиш режалари ошириб бажариляпти. Қурт боқувчиларнинг рўйхати тузиб чиқилаётир. Шундайми?

— Ҳар йили ёзавериб бу гаплар ёд бўлиб кетганга ўхшайдими, дейман...

— Меъдага теккан, десак ҳам бўлаверади. Ҳай, майли, гапнинг индаллосига ўтайлик. Бу йилги пилла режаси қандай?

— Оржоникидзе, Калинин, Тошкент районлари шаҳар деҳқончилик саноати уюшмаси таркибига кирганлигидан хабарингиз бор. Шундан кейин улар пиллага ўгай кўз билан қарай бошлашди. Деярли боқмай қўйишяпти. Тут майдонлари текисланиб, кўчатлари кесиб юборилди. Бу биз учун, албатта, анча йўқотиш бўлди. Лекин шунга қарамай имконият қидирилди. Режа 1850 тонна қилиб белгиланди. Бу ўтган йилдагига қараганда 83 тонна кўпдир.

— Модомики, бозор иқтисодига ўтар эканмиз, энди бундан буён, албатта, сифатли пилла етиштирмасак бўлмайди.

— Тўғри, Хитойга етиб олишга ҳали анча қовун пишиғи бору, бироқ қўл қовуштириб туришга ҳаққимиз йўқ. Лоақал пилламизнинг килограмми нархини жаҳон бозорида 10 долларга кўтармасак унда нима деган одам бўламиз.

— Нималар ҳалақит беради, ишни уруғни очиришдан бошлаш керакми, ҳали вақт бордир, албатта.

— Бўлмасамчи, муддатини аниқ айта олмаймиз, албатта. Об-ҳавонинг қандай келишига қараймиз. Қўклам анча кечикиб тутларнинг ривожи ҳам орқага сурилганлигини ҳисобга олмасак бўлмайди. Барг чиқариш, ёзишини, ўсишини қатъий ҳисобга оламиз. Биз-ку, қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қиламиз. Лекин ҳалақит берадиган тўсиқлар, муаммолар кўп жуда. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Сифатли, рисоладаги пилла етиштириш учун ҳамма шарт-шароитлар мукаммал ва бекаму-кўст бўлиши керак. Бу анча мушкул иш. Арзимайдигандек кўринадиган бир нарса; уруғлар жонланиб бўлгач, уни тортиб оладиган тарози йўқ. Бир амаллаб, чамалаб, ўлчаб бўлса ҳам уни тарқатгандан кейинги маш-машалар ҳам оз эмас. Биласиз, бир вақтлари сон орқасидан қувилган. Одамлар навсиз, қорапўчоқ пиллаларни пиллахонага олиб келиб, мана, керак бўлса, деб отиб-сочиб кетишган. Эндиликда пилла азиз бўладиганга ўхшайди. Чунки, четдан ҳам харидорлар кўпайяпти. Шунинг учун ҳаракат қилишимиз керак. Уруғнинг оз-кўплигига қараб сўри саҳни кенг ва ёки тор қилиб қурилади. Лекин тахта йилдан-йилга анқонинг уруғи бўлиб қолмоқда. Темирдан сўри тайёрлашга ўтиляпти. Бекободдаги ремонт-механика заводига буюртма берилган. Улар темир сўрилардан 10 минг комплект тайёрлаб бериши керак. Ҳозиргача 4 минг комплектини олдик холос. Мантиқни қаранг, буюртмани биратўла беришмасмиш. Ҳар уч ойда етказиб беришармиш. Ахир, бизнинг ишимиз мавсумий-ку, нега буни ҳисобга олишмайди.

— Биз ҳаммамиз ҳозир кўп қайд қилинаётганидек, ришталар билан боғланганмиз. Шу маънода оладиган бўлсак, шахтёрларнинг қўзғолон кўтариб, иш ташлаши, пиллачиларга ҳам знён етказиб қўймаса, деб ўйлайман.

— Биз ҳам шундан ҳавотирдамиз. Бу йилги мавсум учун, ҳисоблаб чиқдик, бизга кам деганда 20 минг тонна аъло навли кўмир зарур. Бироқ ҳозиргача атиги 3 минг тонна олдик. У ҳам жуда сифатсиз. Билмадим, аҳвол шу зайлда давом этса ишимиз нима бўларкин?..

— Пилланинг нархи ошди дедик-ку, ҳар ҳолда одамлар, раҳбарлар ҳаракат қилишса керак.

— Тўғри, лекин пиллакорлар учун керак бўладиган ҳар хил ускуналар, асбоб-анжомларнинг ҳам нархи иккиуч баравар ошиб кетди-ку. Булар таннархга таъсир қилмасдан қолмайди, албатта. Сувники сувга, қолди қатиқнинг пули деганларидек, пиллакор ишқилиб, боққанига яраша пул олса-да!

— Қайси зотли пилла қурти уруғи боқилади?

— Ҳар йилдагидек «тетрогибрид-3» ва «Андижон-1» навлари уруғи тенг тарқатилади.

— Қайси бири афзал уларнинг?

— Ҳар иккисининг ҳам афзал томонлари кўп. «Андижон-1»ни оладиган бўлсак, ипаги кўп, ғумбаги кичикроқ бўлади. Шунга яраша пилла толаси юқоридир. Лекин жуда нозик. Боқишда озроқ ҳафсаласизлик қилиниб, ҳарорат ва намлик сал ошиб кетса иш чатоқ. «Тетрогибрид-3»нинг ипаги камроғу, лекин тош босади.

— Бундан чиқдики, уруғ тарқатиш вақтида кимнинг қайси зотни боқишга мойиллиги ҳисобга олинар экан-да.

— Шундай қилиш керак...

— Абдураҳим ака, сизга катта раҳмат. Қисқа суҳбатда кўпгина фойдали мулоҳазаларни айтдингиз, муаммоларни қўйдингиз.

— Сирасини айтганда, булар янгилик эмас. Мана шу соҳада ишлаётганимга неча йил бўлган бўлса, ўшандан буён айтилиб келинаяпти, бу муаммоларнинг кўпчилиги. Яна айтдим-да. Билмадим, фойдаси бўладими, йўқми...

Н. РИХСИЕВ суҳбатлашди.

Иттифоқдош республикалар Президентларига, Олий Кенгашларининг раисларига Мухтор республикалар Олий Кенгашларининг раисларига Иттифоқдош республикалар Вазирлар Кенгашларининг раисларига, Бош вазирларига Мухтор республикалар Вазирлар Кенгашларининг раисларига

Мамлакатимизнинг бир қанча минтақаларида айрим молларга нисбатан шартномавий нархлар қўлланилаётганига сизларнинг эътиборингизни қаратаман. Бу нархларнинг даражаси ССР Иттифоқи билан жумҳуриятлар ўртасида чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалалари юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ана шу моллар учун кўзда тутилган давлат чакана нархларидан юқоридир.

Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, давлат чакана нархларини оширишнинг юқори миқдори тўғрисидаги битим қоидаларига мувофиқ мазкур молларга янги нархлар белгилашни сўрайман.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАКТУБИГА ШАРҲ

СССР Президентининг матбуотда эълон қилинган республикалар Олий Кенгашлари ва ҳукуматларининг раҳбарларига мактуби аҳоли учун жуда муҳим масалага даҳлдидир.

Маълумки, сўнгги вақтда асосий озиқ-овқат маҳсулотларига, кўпгина ашёвий молларга «шартнома» нархлари, деб аталган нарх пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Бу ҳодисанинг сабаби бозор муносабатларига ўтишни нарх белгилаш соҳасида хоҳлаган ишни қилиш мумкин, деб нотўғри тушунишдир. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам бунда жуда салбий роль ўйнади.

Афсуски, Москва шаҳар Советининг ижроия комитети бундай ғайри қонуний ишда намуна кўрсатди. У ўтган йилнинг август ойида савдо корхоналарига аҳоли учун молларни сотиб олиб, уларни давлат савдо тармоқларида оширилган шартнома нархларда сотиш ҳуқуқини берди.

Аҳолини моллар билан таъминлашни ташкил этишга доир кундалик зўр бериб қилинадиган ишларни бундай молларни қўшнилардан оширилган нархларда сотиб олиш билан алмаштирилиши таъминотни яхшилашга олиб келиши мумкин эмасди, яхшилашга олиб келмади ҳам. Бу чала ишлар учун қийинчиликлар аҳоли бошига тушди. Гўшт, балиқ, тухум ва бошқа жуда кўп асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари кескин даражада ошди, ошхоналарда таомлар нархи қимматлашди.

Асосий истеъмол моллари ва шартнома нархларини қўлланиш республикалар билан келишилган нарх сиёсати қоидаларига зиддир. ССР Иттифоқи билан республикаларнинг битимида бундай молларнинг белгилаб қўйилган давлат чакана нархлари сақлаб қолиниши кўзда тутилган. Барча гуруҳлардаги моллар нархининг энг юқори даражаси белгилаб қўйилганки, бундан юқори нарх белгиланиши мумкин эмас.

СССР Олий Кенгаши ўз қарори билан СССР Вазирлар Маҳкамаси зиммасига давлат нарх интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, молларни келишилган даражадан юқори нархда сотиб ортиқча олинган даромаднинг корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллий идоралардан тортиб олиш вазифасини юклади.

Қатъий ҳаракат қилиш учун ҳуқуқий асосга эга бўлган нарх белгилаш идоралари чакана нархларда тартиб ўрнатиб, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашлари керак. Бироқ идоралар аҳолининг мададисиз бу вазифани ҳал қила олмаса керак. Бунинг учун аҳоли ўз ҳуқуқларини билиши лозим. Белгилаб қўйилган чакана нархларда сотилаётган молларнинг рўйхати дўконда, ҳар бир савдо корхонасида деворга осиб қўйилган бўлиши лозим. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимият идоралари, истеъмолчилар жамиятлари биргаликдаги куч-ғайратлар орқали нархлардаги ўзбошимчаликка чек қўйиб, маърифатли бозор сари ҳаракатни бошлаш учун жон куйдиришлари керак.

(ТАСС).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Оржоникидзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Илгари вилоят халқ назорати комитети раиси бўлиб ишлаган А. Носиров Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Г. С. Миразимова Ўзбекистон хотин-қизлар комитетининг Тошкент вилоят бўлимига раис этиб сайланганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди.

Шу райондаги 8-Март номли санаторийнинг бош врачи бўлиб ишлаган Г. Б. Иброҳимова район партия комитетининг котиби этиб сайланди. А. А. Орифжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитети котиби вазифасидан озод этилди.

Пленум ишида Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов ва вилоят партия комитетининг иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

ни қаратди. Кўп ҳолларда улар ҳозирги пайтнинг ўзига хослигини, сиёсий курашнинг руҳини эътиборга ола билмадилар, оқилона, ҳужумкор ҳаракат дастурини ишлаб чиқа олмадилар. КПСС Марказий Комитети, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, маҳаллий партия комитетларининг бир қисми фаоллик кўрсатмади. Баъзи бир партия оммавий ахборот воситалари референдумни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги тарғибот кампаниясига кечикиб киришдилар ва бу ишни кенг миқёсда авж олдирмадилар.

Сиёсий бюро иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида, республика, ўлка, вилоят, шаҳар ва район партия комитетларида референдум якунларини чуқур таҳлил этиб, муҳокама қилишни, ўз иши учун бундан ўз-ўзини танқид руҳида тегишли хулосалар чиқариб олишни тавсия қилди. Партия интизомини мустаҳкамлаш чоралари амалга оширилиши лозим. КПСС XXVIII съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида коммунистларнинг фаолиятини кучайтириш, референдум якунларини тафтиш этишга киришиб, мунозара клубларида, платформалар ва фракцияларда партияни путурдан кетказишга, шу тариқа коммунистларнинг диққат-эътиборини омма орасидаги сиёсий ишдан, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмушидан чалғитишга уринаётган кучларга кескин зарба бериш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шуни билдирдики, оммага таъсир ўтказиш учун, унинг сиёсий йўлни танлаб олиши учун турли ижтимоий кучларнинг шиддатли кураши давом этаётган шароитда КПСС ўзининг янги Дастурини тезроқ ишлаб чиқиши ва унинг лойиҳасини муҳокама учун эълон қилиши лозим. Дастурда кенг меҳнаткашлар табақаларининг манфаатларига мос бўлиб тушадиган равшан инсонпарварлик мақсадлари баён этилиши керак, бу Дастур бутун партияни шу мақсадлар тевараги да жипслаштирадиган жуда муҳим омил бўлиб қолиши зарур.

КПССнинг оммавий ахборот воситаларига референдум якунларидан келиб чиқадиган хулосани мамлакат аҳолиси барча қатламларига ва чет эл жамоатчилигига ишонарли тарзда, аниқ-равшан тушунтириб бериш таклиф қилинади. Бу хулоса эса янгиланган иттифоқни қандайдир партия, уюшма ёки одамларнинг гуруҳи эмас, балки барча ватанпарвар ҳаракатлар, кўпчилик халқ танлаб олганини билдиради. Ҳар қандай тарздаги бузғунчилик ҳаракатларини давом эттириш демократия ва инсонпарварлик тартиб-қоидаларига зид бўлиб, халқнинг иродасига, жаҳон сиёсатидаги амалий тамойилларга қаршидир.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, республика, ўлка, вилоят, шаҳар, район партия комитетларига ушбу қарорда баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги ҳаракат режасини ишлаб чиқишни топширди.

БОЛАЛАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТЛАРИДА БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИГА МУРОЖААТИ

ТОШКЕНТ вилоят ва Тошкент шаҳри касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши сўнгги йилларда меҳнаткашлар фарзандларининг таътил даврида соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича ишлар анча сусайганлигини таъкидлайди.

Уч йилдан бери болаларни соғломлаштириш лагерларига юбориш режалари бажарилмаяпти. Бу иш деҳқончилик-саноат комплекси, маданият, халқ таълими, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари, электр станциялари ва электротехника, нефть-газ, металлургия саноати ишчилари ва бошқа тармоқларда қониқарсиз олиб борилмоқда. Бунинг оқибатида шу даврда дам олишнинг барча турлари бўйича болаларни соғломлаштириш 80 минг кишига камайиб кетди.

Болаларни соғломлаштириш лагерлари тармоғи ниҳоятда суст ривожланяпти. Ўн иккинчи беш йиллик давомида ҳар сменада бор-йўғи 2240 ўринли еттита лагерь фойдаланишга топширилди. Дам олиш базасига эга бўлган юздан ортиқ корхона бу масканлардан болаларни соғломлаштириш учун фойдаланмайди.

Бўстонлиқ районида тўртта дам олиш объекти канализация ва водопровод тармоқлари йўқлиги сабабли беш йилдан ортиқроқ вақтдан бери ишга туширилмаяпти. Шу вақт давомида уларда салкам 30 минг мактаб талабаси дам олган бўларди. Юқори синфлар ўқувчиларининг меҳнат ва дам олиш ҳамда кундузи дам олинадиган лагерлари сони камайди. Кўпгина касаба уюшмаси қўмиталари бу иш билан умуман шуғулланмай қўйганлар, бу муҳим ижтимоий соҳада хўжаликлар раҳбариятларининг меҳнаткашлар манфаатларига зид иш юритаётганликлари билан муросасозлик қилмоқдалар. Шундай ҳоллар ҳам содир бўлмоқдаки, ўз соғломлаштириш лагерларига эга бўлган касаба уюшмалари ва хўжалик ташкилотлари санитария-эпидемиология станциялари хизмати талабларини бажариш учун зарур чоралар кўрмайдилар.

Вилоят ва шаҳар савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари соғломлаштириш лагерларини озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, мевалар, шарбатларнинг зарур турлари билан таъминлаётганлиги ва чет эл жамоатчилигига ишонарли тарзда, аниқ-равшан тушунтириб бериш таклиф қилинади. Бу хулоса эса янгиланган иттифоқни қандайдир партия, уюшма ёки одамларнинг гуруҳи эмас, балки барча ватанпарвар ҳаракатлар, кўпчилик халқ танлаб олганини билдиради. Ҳар қандай тарздаги бузғунчилик ҳаракатларини давом эттириш демократия ва инсонпарварлик тартиб-қоидаларига зид бўлиб, халқнинг иродасига, жаҳон сиёсатидаги амалий тамойилларга қаршидир.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг Котибиятига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, республика, ўлка, вилоят, шаҳар, район партия комитетларига ушбу қарорда баён этилган фикрлардан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги ҳаракат режасини ишлаб чиқишни топширди.

Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши болаларнинг дам олишини уюштиришда таркиб топган аҳволдан ниҳоятда ташвишланаётганлигини изҳор этади, иқтисодий ноқислик, болалар саломатлиги ҳисобига бойлик орттиришга қарши норозилик билдиради. Кенгаш вилоят ва шаҳарда болалар касалланишининг хавфли тарзда ўсаётганлигини, экологик аҳвол ёмонлашаётганлигини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари ташкилотларига меҳнат жамоалари, халқ депутатлари Кенгашлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг болаларини соғломлаштириш бўйича эҳтиёжларини ложи борича тўлароқ қондириш имкониятларини изланб топиш таклифи билан мурожаат қилади.

Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 1991 йилда мактаб ўқувчиларини соғломлаштиришни ижтимоий-иқтисодий таъминлашнинг энг зарур чораларини кўришни илтимос қилиб мурожаат қилади. Унда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

— болаларнинг соғломлаштириш лагерларини ўзгармас давлат чакана нархлари бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари билан биринчи навбатда таъминлаш;

— болалар ва ўсмирлар учун лагерлар қуриш ва қайта қуришни амалга ошираётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга улар олаётган фойдага солиқ солиш бўйича имтиёзлар бериш, улар эгаллаб турган ер учун ҳақ олишни бекор қилиш;

— бюджет ташкилотларида ишлаётган меҳнаткашларнинг фарзандлари ва ота-онаси қарамоғида бўлмаган болалар учун йўлланмалар харид қилиш бўйича харажатларни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қоплаш, шунингдек болалар лагерларида вақтинча ишлаш учун ходимларни қўшимча жалб қилган соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш ва халқ таълими муассасаларига қўшимча маблағ ажратиш;

— СССР касаба уюшмалари Умумий Конфедерацияси Кенгаши Раёсатининг бу масалаларни 1991 йилда мамлакат ҳукумати билан тузиладиган битимга киритиш ҳақида СССР ҳукуматига мурожаати қўллаб-қувватлансин.

Бозорга ўтишда меҳнаткашларнинг болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий ҳуқуқларини камситилишига йўл қўймаслик, болалар дам олишининг моддий базасини сақлаб қолиш, соғломлаштириш лагерларини сотиб юбориш ва ихтисосини ўзгартиришга бўлган уринишларга қарши ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш касаба уюшмалари ташкилотлари учун принципиал жиҳатдан муҳим деб ҳисоблансин. Жамоа шартномалари ва битимлари асосида ҳам давлат, ҳам хусусийлаштирилган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг болаларни соғломлаштириш учун зарур шароитларни яратиб беришига эришиш, бу ишда маъмуриятнинг масъулиятини ошириш керак.

Касаба уюшмалари ташкилотларига корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда соғломлаштириш лагерларида овқатланиш нархининг ортиши билан боғлиқ бўлган харажатларни уларнинг маблағлари ҳисобига қоплаш бўйича зарур ишларни қилиш, шунингдек ижтимоий суғурта бюджети, колхозчиларнинг ижтимоий суғуртаси марказлашган иттифоқ фонди, касаба уюшмалари бюджети, хайр-эҳсон ва бошқа ижтимоий жамғармалар ҳамда ташкилотлар ва бошқа манбаларнинг кўнгилли бадалларини шу мақсадларга кенг сарфлаш тавсия этилсин.

Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши мажлиси иштирокчилари совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари 1991 йилда болаларни соғломлаштиришни уюштиришни яхшилаш юзасидан барча зарур чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОБРЎ ҒОЙИБДАН КЕЛМАЙДИ

Завод партия бюросининг котиби Николай Матвеевич Когай ўз хонасида бир даста ҳужжатларни кўздан кечириб ўтирарди.

— Яқинда ўтказиладиган партия йиғилишига тайёргарлик кўраётувдим,— деди у салом-аликдан сўнг.

— Йиғилишда қандай масалалар муҳокама қилинишини билсак бўладими?— қизиқдик биз.

— Икки кишини партия сафига қабул қилмоқчимиз,— жавоб берди партбюро котиби.— Бундан ташқари заводимиз жамоасининг ўтган йилги иш якунлари ва бу йилги вазифаларни муҳокама қилишни мўлжаллаяпмиз.

Янгийўл пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 40 та КПСС аъзоси бўлиб, уларнинг аксарияти ишчилар ва инженер-техник ходимлардир. Баъзи жойларда айрим коммунистлар партиядан чиқиб, аъзолик билетларини ўз ихтиёрлари билан топшириб кетаётган бир пайтда завод коммунистлари партияга ишонишларини, ўз эътиқодлари мустаҳкамлигини амалда намойиш этдилар. Корхона коммунистларидан биронтаси ҳали партия сафидан чиқиш истагини билдиргани йўқ.

— Аксинча, ўтган йили корхонамиз коммунистлари сони 3 кишига ортди,— дейди Николай Матвеевич.— Илғор ишчилардан М. Усмонова, Р. Мавлонова ва Н. Умаров КПСС аъзолигига қабул қилинди. Бу йил партия аъзолари сафини янада ўстиришни мўлжаллаяпмиз.

Завод партия бюроси йилнинг ҳар бир чораги учун тузилган режа асосида ишлайди. Иш режаси партия бюроси мажлисида тасдиқланади. Ўтган йили 4 марта партия йиғилиши ўтказилди. Гап йиғилишларнинг сонидагина эмас, балки улар муҳокамасига киритилган масалаларнинг тўғри танланганлиги ва йиғилишларда ишчанлик билан муҳокама этилиши таъминланганидадир. Сир эмас, илгари ҳар бир йиғилиш муҳокамасига 3—4 ва бундан ҳам ортиқ масала киритилар, бунинг устига уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришга оид масалалар бўлар ва улар расмият учунгина муҳокама қилинар, қабул қилинган қарорлар юзаки бўлиб, уларнинг ижроси устида оддий коммунистлар у ёқда турсин, ҳатто коммунист-раҳбарлар ҳам жиддий бош қотирмас эди.

Ўтган йилдан бошлаб завод партия ташкилоти эскича қолипда ишлашдан воз кечди дейиш мумкин. Партия йиғилишлари кун тартибига энг муҳим ва долзарб масалалар киритилмоқда. Йиғилишларда коммунистнинг маънавий қиёфаси, коммунистлар ҳисоботи, партиявий интизомга қандай риоя қилинаётганлиги каби партия турмушига оид масалаларнинг муҳокама қилинаётганлигини коммунистлар астойдил маъқулламоқдалар.

Завод коммунистларининг ўтган йил охирида бўлган йиғилишида одатдагидай маъруза қилинган йўқ. Партия бюроси котиби Н. М. Когай йиғилишда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди якунлари, жумҳурият партия ташкилотининг Ҳаракат дастури ва Устави муҳокама қилинишини айтиб, коммунистлардан съезд якунлари, қабул қилинган ҳужжатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилди. Шундан сўнг коммунистлар бирин-кетин сўзга чиқиб, ўз фикрлари ва таклифларини рўй-рост айтдилар. Ишчанлик билан ўтган йиғилишда корхона партия бюроси олдида турган янги вазифалар белгилаб олинди.

Ана шу йиғилишдан кейин завод партия бюроси бошланғич партия ташкилоти қошида мунозара клуби ташкил этишга қарор қилди. Партия фахрийси, «КПСС сафида 50 йил» нишони соҳиби В. П. Еремеев раҳбарлигидаги бу клубда партиямиз, мамлакатимиз, жумҳуриятимиз ҳаётига оид муҳим мавзуларда мунозаралар ўтказиб туриш кўзда тутилган.

— Клубимизнинг яқинда ўтказиладиган машғулотини «Бизга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи нима учун керак?» мавзусига бағишлаб кенг фикр алмашмоқчимиз,— дейди клуб раҳбари В. П. Еремеев.— Кейинги мунозарани эса «Партиянинг обрўси — ҳар бир коммунистнинг обрўси» мавзусига бағишламоқчимиз.

Партиянинг обрўси тушиб кетишига кейинги йилларда мафкуравий ишлар расмият учун, хўжакўрсинга ўтказилиши одат тусига кириб қолганлиги ҳам сабаб бўлди дейиш мумкин, деб таъкидлашди коммунистлар партия йиғилишларидан бирида. Масалан, сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотларини олиб кўрайлик. Бунда тингловчиларнинг ҳоҳиши асло ҳисобга олинмайди. Талаб битта: коммунистмисан, вассалом, ўқув машғулотларига қатнаш. Ўқувнинг самараси қандай бўлаяпти? Бу ҳақда ҳеч ким жиддий ўйлаб ҳам кўрмайди. Хўш, сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этишга янгича ёндошилса бўлмайдими?

Партия бюроси коммунистларнинг таклифини инобатга олди, албатта. Эндиликда сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этишдаги эски қолипдан воз кечилди. Корхонага ҳар ойда икки марта жумҳурият «Билим» жамиятидан фан номзодлари бўлган малакали лектор-тарғиботчилар таклиф этилмоқда. Уларнинг лекцияларини 30 дан ортиқ коммунист ва партиясиз мунтазам тингламоқда.

Суҳбатимиз жараёнида партбюро котиби Н. М. Когай кейинги вақтда жойларда кўргазмали агитациянинг аҳамиятига эътибор берилмай қўйганлиги ҳақида куюнчаклик билан гапирди. Тўғри, дабдабали шиорлар даври ўтиб кетди. Лекин бу кўргазмали агитацияга эндиликда ҳожат қолмади, деган сўз эмас. Кишиларни аниқ ва ҳаёт олдимизга қўяётган вазифалар ва муаммоларни ҳал этишга даъват этувчи паннолар, стендлар, шиорлар ҳозир ҳам ниҳоятда зарур. Афсуски, бу борада район партия қўмитаси мафкура бўлимининг амалий ёрдами сезилмаяпти.

Партиянинг илгариги мавқеи ва обрўси қайта тиклаиниши партиямизнинг ўзига, бошланғич партия ташкилотлари ва оддий коммунистларга боғлиқ. Янгийўл пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти ва коммунистлари буни яхши англайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз фаолиятларини такомиллаштирмоқдалар. Мафкуравий, партиявий-ташкилий ишларни тубдан яхшилашга интилмоқдалар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

ЧИҚИНДИЛАР ДАРОМАД КЕЛТИРЯПТИ

● ТОШКЕНТ кўзгу-мебель фабрикасида ишлаб чиқариш чиқиндиларидан — турли ҳажмдаги кўзгу парчаларидан яхши фойдалана олдилар. Бу ерда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Фабрика ходимларини ўткир зарурат шундай иш тутишга мажбур қилди — ҳар йили 200 тоннадан кўпроқ кўзгу парчалари ахлатхонага ташланар, ундан қандай фойдаланишни билишмасди. Тошкент чарм-галантерея фабрикаси билан ташкил этилган кооперация бу ерда аёллар кўзгучалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётган халқ истеъмол моллари режадаги барча кўрсаткичларни барқарор бажараётган корхонанинг йиллик даромадига дурустгина қўшимча беради. Чунончи, ўтган йили фабрика жумҳурият мебель корхоналарига беш миллион сўмликдан кўпроқ шиша буюмлар ва кўзгулар етказиб берди. Бу йил фабрика режани янада тиғизлаштирган. У 5,1 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот етказиб беради. Бу хом ҳаёл эмас, чунки ишлаб чиқаришдаги имкониятларнинг ҳаммаси ҳам ҳали ишга солинганн йўқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилган асосий ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш меҳнат унумдорлигини ўртача 20 фоиз ошириш имконини беради.

Фабрика Фарғона водийсида кичик корхона ҳуқуқига эга бўлган ўз филиалларини очишни режалаштирган. Бундай корхоналар ҳам унга муайян даромад келтиради.

(ЎзТАГ мухбири).



● ТОШКЕНТДАГИ «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводида халқ хўжалиги учун товарлар ишлаб чиқариш тайёрланаётган маҳсулотнинг кўпчилик қисмини ташкил этади. Бу уч йил илгари корхонада бошланган конверсия натижасидир. Завод ишчи-хизматчилари ўтган йили турли тармоқлар учун ўн мингта «Агат-7» ва «Сўғдиёна» шахсий компьютерлари етказиб берди. Бу йил анча такомиллашган «Агат-9» компьютерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу суратда йиғув участкасида созловчилар бригадири М. Уйбеков ва завод бош конструктори Ф. З. Хўжаевларни кўриб турибсиз.

Суратқаш В. МИЛЕНЬКИЙ.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚШУНОС ЖАВОБ БЕРАДИ

Саволларга «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳузуридаги ҳуқуқ ва социалистик қонунчиликни тарғиб қилиш жамоатчилик кенгаши аъзоси, адлия ходими А. ҲАСАНОВ жавоб беради.

САВОЛ: Мен 4 боланинг онасиман, кичкина ўғлим 1,5 ойлик. Ўтган йили онлавий даромадим 60 сўмдан кам бўлганлиги учун ўғлим боғчага бепул қатнар эди. Ҳозир эса биздан боғча пули олишаяпти. Шу тўғрими?

С. АЛИБЕКОВА,
Янгийўл шаҳри.

ЖАВОБ: СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 13 январдаги 47 сонли қарорига асосан 1990 йил 1 январидан эътиборан болалар боғчаси, ясли, улар корхона, муассаса, ташкилотга қарашидан ёки ота-онанинг қаерда ишлашидан қатъий назар, бола боғча (ясли)га борадиган бир кун (маротаба) учун, агар боғча иши 12 соатли режимда бўлса — 50 тийин, 12 соат ва ундан ошиқ бўлса — 60 тийиндан пул тўланади. Агар мактабгача ёшдаги масканга қатнаган бола ота-онасининг ўтган йилги пул маблағлари миқдори ойига ҳар бир оила аъзоси учун 60 сўмдан ошмаса ҳақ олинмайди. Тўрт ва ундан кўп боласи бўлган ота-оналардан боғчага бораётган бола учун олинадиган ҳақ 50 фоизга камайтирилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг ихтиёрларидаги мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига қатнаётган бола учун ота-оналардан ҳақ ундиришда қўшимча имтиёзлар ўрнатишлари мумкин. Бундай қўшимча имтиёзлар тегишли маҳаллий бюджет ҳисобидан (корхона, ташкилот, муассаса ўз маблағлари ҳисобидан) амалга оширилади.

САВОЛ: Мен байналмилалчи жангчиман. Қарамоғимда икки болам бор. Янги квартирага яқинда кўчиб ўтдик. Айтинг-чи, мен квартира ҳақи тўловидан озод қилинаманми?

П. ОРИПОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ. Ҳа. Сиз бундай ҳақ тўлашдан озод қилинасиз. Чунки, Президентимизнинг 1990 йил 8 майда эълон қилган Фармонида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ана шундай имтиёз берилган.

Коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик қувватлари) учун эса ҳақни Улуғ Ватан уруши ногиронларига мўлжалланган имтиёзлар бўйича тўлайсиз. Бу ҳақнинг 50 фоизини ташкил қилади.

САВОЛ: Мен бетоб бўлиб, икки ҳафта кўчага чиқолмадим. Иш стажим узлуксиз 6 йилни ташкил этса ҳам берилган нафақа иш ҳақимнинг 60 фоизини ташкил қилди. Айтинг-чи, касаллик варақасига тўғри ҳақ тўланганми? Бундай нафақа олиш учун касаба уюшмаси аъзоси бўлиш шартми?

А. ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: СССР Вазирлар Кенгаши ва ВЦСПСнинг 1990 йил 14-майдаги 478 сонли қарорига асосан иш стажлари уч йилгача бўлган ишчи ва хизматчиларга касаллик варақасига нафақа иш ҳақининг 60 фоизи, 21 ёшгача бўлган ота-онасиз етимларнинг 5 йилгача иш стажлари бўлган тақдирда 80 фоиз иш ҳақи тўланади. Бу қоида 1990 йил 1 июлдан кучга кирди. Қолган ҳолларда аввал қўлланиб келинган тартиб бўйича, яъни узлуксиз стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ишчи ва хизматчиларга меҳнатга вақтинчалик лаёқатсизликлари учун иш ҳақининг 80 фоизи, 8 ва ундан ортиқ узлуксиз иш стажи бўлса, 100 фоиз нафақа тўланади.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, агар бетоб ишчи ва хизматчилар касаба уюшмаси аъзоси бўлмасалар ҳам касаллик варақаси учун юқоридаги кўрсатилган тартибда нафақа тўланаверади.

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ТИЛ ЎРГАНИШНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК

«Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан буён қарийб 1,5 йил вақт ўтди. Хўш, уни амалга ошириш йўлида нималарга эришдик? Шу хусусда билимгоҳимизда қилинган ишлар тўғрисида ҳикоя қилиш, кейинчалик рўзнома орқали бошқа олийгоҳлардаги тажрибалардан хабардор бўлиш мақсадида қўлимга қалам олдим. Шуни айтиш керакки, Тошкент автомобиль-йўл олий билимгоҳи жамоаси қонун қабул қилингунга қадар ҳам ўз фаолиятида ўзбек тилини кенг қўллаш бўйича қатор тадбирларни ишлаб чиққан эди. Бунга асосан 1989 йил апрелида махсус ташаббускор гуруҳ тузилиб, ўзбек бўлмаган миллатларга тил ўргатишга эътибор кучайтирилди. Профессор-ўқитувчилар, хизматчиларнинг ўқуви ташкил қилинди. Орадан икки ой ўтгач, билимгоҳда ўзбек тили кафедраси очилди ва у режаларни рўёбга чиқаришни янада жадаллаштирди.

Биз билимгоҳда барча йиғилишлар, илмий кенгашларни ўзбек тилида олиб боришга эришдик. Шунингдек ҳужжатлар, эълонлар, билдиришлар, ахборотлар икки тилда ёзилмоқда. Билимгоҳимизда Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш бўйича тузилган 31 кишидан иборат комиссия ҳозирги пайтда анча баракали ишлар қилиб қўйди. Беш қисмдан иборат дастур тайёрланди ва уни илмгоҳ фирқа қўмитаси тасдиқлагандан сўнг олийгоҳ фаолиятига ўзбек тилини жорий этиш янада кучайди.

Бугунги кунда қуллиётларнинг кундузги бўлими I—II курс рус гуруҳларида 240 соат, кечки бўлим I—II курс рус гуруҳларида эса 80 соат ҳажмида ўзбек тилидан назарий ва амалий дарс жорий этилган. Кундузги бўлим рус гуруҳлари IV курсда ўзбек тилидан махсус машғулотларни тинглайдилар ва давлат имтиҳони топширадилар. Шунингдек кундузги бўлимлар I курс ўзбек гуруҳлари ўзбек тилини, III курс талабалари эса факультатив тарзда эски ўзбек ёзуви — араб алифбосини ўрганмоқдалар.

Ўзбек тили кафедраси қошида бир ва икки йиллик ўзбек тилини ўрганувчи курслар ҳам муваффақиятли равишда ишлаб турибди. Ўзбек миллатига мансуб бўлмаган профессор, ўқитувчилар ва ходимлардан 185 кишига ана шу курсларда юқори малакали тил ва адабиёт ўқитувчилари ёрдамида ўзбек тили ўқитилмоқда. 15 гуруҳдан иборат бўлган бу курсларнинг иккитасида эски ўзбек ёзуви — араб алифбоси ҳам ўргатилаётир.

Ўзбек тилини катта қизиқиш ҳамда иштиёқ билан ўрганаётган ўқитувчилар ва ходимларни рағбатлантириш олий билимгоҳ раҳбариятининг доимо эътиборида. Ўтган йилнинг якунига кўра 42 нафар профессор ва ўқитувчи ҳамда илмий ходимларга билимгоҳ ректорининг буйруғи билан ташаккурнома эълон қилинди.

Маълумки, Давлат тилини ўқитувчилар ва талабаларга яхши ўргатиш учун ўзбек тили фанидан янги дарсликлар, қўлланмалар ва дастурлар ниҳоятда зарур. Биз бунни назарда тутиб, уларни ўзимиз тайёрлашга астойдил ҳаракат қиляпмиз. Қисқа давр ичида тайёрлов бўлимлари ва курсларининг тингловчилари учун «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» дастури нашрдан чиқди. I—II курс рус гуруҳларининг талабалари учун «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» дарслиги эса нашрга тайёрланди.

Шунингдек олий билимгоҳ талабалари учун таниқли фан, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашувлар, Давлат тилини ўқув ва иш жараёнига тадбиқ этиш бўйича суҳбатлар ташкил этдик. «Биз ўз ватанимиз ва тилимизни севамиз» деган мавзудаги адабий учрашув ёшларимизда яхши таассурот қолдирди. Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига бағишлаб атоқли навоийшунос олимлар, шоирлар, санъат усталари билан учрашувлар ўтди ва бундай тадбирлар йил охиригача давом этаверади.

Билимгоҳимизда ўзбек тилини ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича ҳам махсус гуруҳ иш олиб бормоқда. Улар дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, изоҳли луғатлар ва атамалар тўпламларини тайёрлашни назорат қилиб борадилар, таҳрир этиб, нашрга тавсия этадилар.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, олимларимиз касбга оид фанлар бўйича изоҳли луғатлар тайёрлаш ишларини ҳам қизғин бошлаб юбордилар. Профессор С. Қодировнинг «Ички ёнув двигателлари», доцент Ҳ. Саидовнинг «Автомобиль йўллари» курслари бўйича русча-ўзбекча изоҳли луғатларини Ўзбекистон Фанлар академияси Атамалар қўмитаси маъқуллади. Автотранспорт иқтисодига оид Атамалар тўплами ҳам ишлаб чиқилди.

Олий билимгоҳда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш билан бир қатор олимлар шуғулланаётир. «Автомобиллар», «Автотрактор двигателлари», «Автомобиль транспорти иқтисоди», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Механизм ва машиналар назарияси», «Олий математика», «Чизмачилик геометрияси» ва бошқа курслар бўйича ўзбек тилида тайёрланган дарсликлар шулар жумласидандир. Юқори курс талабаларининг истакларини ҳисобга олиб, кўпгина кафедра ўқитувчилари олий билимгоҳнинг асосий мутахассислиги бўйича фанлардан ўзбек тилида лекциялар ўқимоқдалар. Бу борада «Автомобиллардан техник фойдаланиш», «Қидириш ва йўлларни лойиҳалаштириш», «Автотранспорт двигателлари» кафедраларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

Илмгоҳимизда Давлат тилини жорий этишга эътиборнинг ортишига қарамай, ҳали зиммамизда бу соҳада ҳал этиладиган муаммолар кўп. Айниқса, биз дарсликларни, талабалар ўзлари мустақил шуғулланадиган қўлланмаларни, ихтисосликка оид адабиётларни жадалроқ ўзбекчалаштиришимиз зарур деб ҳисоблайман. Бу борадаги ишларни тезлаштириш учун олийгоҳимиз олимлари, ўқитувчилари ва бошқа мутахассисларининг қудрати етади.

Ў. ШОКИРОВ,
Тошкент автомобиль-йўл институти, ўзбек тили кафедраси мудири, филология фанлари доктори.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

«Совпластитал» Совет—Италия қўшма корхонасида ёдгорлик буюмлари ва уй-рўзғор моллари комплексидан пардозлаш ишлари тугалланмасданоқ, ишлаб чиқарувчилар вақтни беҳуда ўтказмай, янги участкада маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдилар.

Пластмасса қуйиш цехида ўрнатилган 16 та ноёб «Мир» машинаси пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги даражасига чиқиш имконини берди. Янги авлодга мансуб бундай машина ҳали мамлакатимизнинг бошқа бирор жойида йўқ. Электроника белгиланган ўлчамларга аниқ риоя этиб, бутун технология жараёнини назорат қилиб туради. Оператор фақат тайёр маҳсулотларни олиб, тахлаб туриши керак бўлади, холос. Бу универсал ускунанинг маҳсулот қуйиладиган шакл-идишини ўзгартириб, бошқа программа киритилса бўлгани — шунда у бошқача маҳсулот тайёрлаб бераверади. Бунинг устига маҳсулот вазни 250 граммдан 3 килограммгача ўзгариши мумкин. Ўриндиқлар, токчалар, кичкина тослар, чойшаб ва ёстиқ жилдлари солинадиган саватлар ҳамда бошқа моллар ҳозирнинг ўзидаёқ «Совпластитал»нинг фирма дўконларида сотилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Адабиёт ва санъат

Ҳозирги кун фан-маорифнинг, айниқса, ўрта таълимнинг самарадорлигини ошириш, ёш авлод дунёқарашини юксалтириш юзасидан кўплаб эътиборли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг барча турдаги мактаб ўқитувчиларига қўшимча имтиёзлар тўғрисидаги Фармони ҳам ёш авлод тарбиясини яхшилашга қаратилгандир.

Хўш, ёш авлод тарбиясида энг муҳим ўрин тутувчи болалар адабиёти ва китобхонлиги соҳаларида аҳвол қалай? Мазкур масала юзасидан муҳарририятимиз давра суҳбати ўтказди. Давра суҳбатида А. Қодирий номли Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи профессори Малик МУРОДОВ, катта ўқитувчи Мирсоат ИСҲОҚОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент Эргаш ИУЛДОШЕВ ва Қашқадарё вилояти Деҳқонобод ноҳиясидаги 1-ўрта мактаб директори Абдуолим ЭРГАШЕВ иштирок этдилар. Суҳбатни Дилмурод САИДОВ олиб борди.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАСИН!

• Давра суҳбати •

Д. С. — Гапнинг очиғи, болалар адабиёти ва китобхонлиги ҳақида кўпчилик аниқ тасаввурга эга эмас. Сабаби, ўнлаб йиллар давомида бу соҳага ҳатто адабий муҳитнинг ўзида ҳам эътиборсизлик билан қараб келинди. Шунинг учун ҳам суҳбатимизни айнан шу соҳага қисқача изоҳ билан бошласак.

М. М. — Дарҳақиқат, бу йўналиш анча унутилган эди. Тан олиш керакки, болалар адабиёти ва китобхонлиги қамрови ниҳоятда кенг, бир қатор соҳалар ва муаммоларни ўз ичига олган серқирра тушунчалардандир. Айни чоғда бу тушунчалар ҳамма даврлар учун ҳам ниҳоятда зарур, жуда долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, халқ борки — болалар бор, болалар борки, уларга аталган адабиётлар ва китоблар бўлади. Чунки болалар тарбиясидаги асосий ва зарурий воситалардан бири ҳам — китобдир. Бу адабий йўналиш катталар адабиёти ва ундаги китобхонлик бағрида ўсади-улғаяди, вояга етади, ундан улуш олади ва унга ўз улушини қўшади. Яна шундай ҳақиқат ҳам бор: катталар адабиёти вакили болалар ҳақида ёзиб, болалар ва ўсмирлар китобхонлигини бойитиши мумкин, аммо болалар адиби бўла олиши мушкулроқ. Чунки болалар адабиётининг ўзига хос қийинчиликлари, инжиқликлари, ташвишлари ва муаммолари кўп. Болалар адабиёти вакилларига қўйилган талаблар ҳам нечоғлик улкан бўлганидек, уларнинг масъулияти ҳам бошқа ижодкорларга қараганда ўзгачароқ, янада чуқурроқ, янада кенгроқ... Зеро болалар адиби болалар шахсияти, руҳияти, дунёқараши ва талаб-эҳтиёжларини чуқур идрок этмоқлари, уларни юксак бадиийлик асосида тадқиқ эта олмоқлари лозим.

Хўш, ҳозир ҳатто қандай номлашни билолмай бошимиз қотиб қолган тузумимиз шароитида, бошқача айтганда, салкам саксон йил ичида бизда болалар адабиёти қандай ривожланди? Унинг асосий йўналиши, жараёнлари ва муаммолари нималардан иборат? Умуман ўзбек болалар адабиёти борми ўзи? Бор бўлса, унинг қўлга киритган ютуқлари қаерда-ю, камчиликлари нималардан иборат? «Социалистик реализм», «ғоявийлик», «шаклан миллий, мазмунан социалистик», ва бошқа шу каби сийқаси чиққан тушунчалар, йўл-йўриқлар, кўрсатмалар ўзбек болалар адабиётию китобхонлигига қанчалик таъсир кўрсатди? Тан олиш керакки, ўзбек болалар адабиёти нечоғлик саёз, файдсиз, ғоявий йўналишда ҳам, бадиийтда ҳам, мавзу кенглиги ва теранлигида ҳам ўта қашшоқлашиб кетди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда қайта қуриш бошланганига мана олти йил бўлаяпти, ўзбек болалар адабиётида эса ҳамон турғунлик, депсиниш давом этмоқда. Бу ҳақда на бу адабиётга бош-қош бўлувчи жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмаси, на нашриётлар ва на ёзувчиларимизнинг ўзлари жиддийроқ ўйлашмаяпти. Мен ўзбек болалар адабиётига оид бу соҳанинг «классиклари» деб тан олинганлар китобларини ҳамда ўрта ва кейинги бўғин адиблар асарларини қайта кўздан кечириб чиқдим.

Бизнинг тахминимизча, 30-70-йиллар орасида яратилган ўзбек болалар адабиёти ва китобхонлигига оид асарларнинг эллик-олтмиш фоизидан воз кечиш керак. «Нима учун шундай қилиш керак?» — деган саволга қисқача бўлса-да, қуйидагича жавоб берган бўлар эдик. Зеро, шахсга сиғиниш, қатағонлик йиллари даврида яратилган бу китоблар болалар ва ўсмирларни маънавий ва руҳий жиҳатдан юксак идеаллар руҳида тарбиялаш у ёқда турсин, аксинча, салбий таъсир кўрсатди. Бунинг сабаблари аён: бу давр (30-70-йиллар) оралиғидаги асарларнинг аксарияти схоластик социалистик реализм методига асосланган; ҳаётдан узилган, бир қолипда сўзловчи, фикрлаш андозаси бир хил қаҳрамонлардан иборат. Шуниси даҳшатлики, болалар адабиёти ва китобхонлиги туркиёна, демакки, ўзбекона чизгилардан, аждодларимиздан мерос анъаналардан ажралган ҳолда номигагина мавжуд бўлиб қолганди.

М. И. — Малик ака, ҳақ гапларни айтдилар. Мен бу фикрларга қўшилган ҳолда қуйидагиларни қўшимча қилмоқчиман:

Болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида мамлакатимизда ҳар бир бола учун йилига учтадан китоб чоп қилинмоқда. Литва, Латвия ва Эстония жумҳуриятларида етти-тўққизтадан, Белоруссия ва Кавказорти ўлкаларида бештадан, Ўзбекистонда эса бир донадан китоб нашр этилади.

Юқорида номлари зикр этилган жумҳуриятларнинг болалар адабиёти нашрлари чоп этиладиган нашриётларда кичкинтойлар учун йилига 12-13 босма табоқ ҳажмида китоб нашр этилаётган айни кунларда «Ёш гвардия», «Чўлпон» нашриётларида чиқаётган болалар ва ўсмирлар китоблари ҳажми 5-6 босма тобоқдан ошмаяпти.

Ўзбекистонимизда мактаблар сони ҳам, болалар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бораётган ҳозирги кунда ҳар бир бола бошига 15-20 тийинлик китоб нашри тўғри келар экан. Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 2 сўм 50 тийин — 3 сўмга яқин. Ўзбек болалари бошқа жумҳуриятлардаги болаларга нисбатан китоб нашрлари билан 10-15 баробар кам таъминланар экан.

Совет халқлари ва чет эл болалар адабиётларини таржима қилиш Ўзбекистонда нисбатан яхши йўлга қўйилган. Қардош жумҳуриятларнинг нашриётлари қоғознинг 8-10 фоизини таржима нашрларига ажратади, бизнинг «Ёш гвардия» ва «Чўлпон» нашриётларимиз эса 20-30 фоиз қоғозни таржима асарларини нашр этишга сарфламоқда.

Шу сабабли ҳам болаларимизнинг китоб жавонларида, кутубхоналар ва дўконларда кўзимиз фақат таржима китобларга тушади. Болаларнинг маънавий жиҳатдан тарбияланишида, дунёни англашида, тафаккурининг сайқалланишида дунё халқлари адабиёти ўрнини инкор этмаймиз. Аммо биз таржима адабиётлар ҳисобига ўз болаларимизни тарбиялаб, вояга етказа олмаймиз-ку! Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хос оламі, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Бу жиҳатдан Европа халқлари туркий халқлардан, шарқ халқларидан катта фарқ қилади. Ўзини англамаган, англашни болаликдан ўрганмаган инсон на жамиятга, на ўз юртига наф келтиради. Ўзимизни, ўзлигимизни англатадиган халқимизнинг урф-одатлари, қадриятларини тиклашда маънавий баркамолликка етказадиган китобларни кўпроқ нашр этиш вақти келди.

Ҳозир жумҳуриятимизда болалар ва ўсмирлар учун чиқарилаётган китобларнинг мазмунига қараб мантиқий безатиш ҳам бирмунча орқада қолмоқда. Масалан, «Ўзбек халқ фантастикаси», «Ўзбек халқ эртаклари» китобларига ишланган суратлар мазмунга ҳамоҳанг бўлса, баъзи бир нашрларда, «Китобсиз уй-қуёшсиз кун» китобида кишини ҳайратга соладиган суратлар кўп. Баъзи суратларни кўрган бола қўрқиб кетиши ёки сесканиб, шу китобдан узоқлашиши аниқ.

Минскнинг «Мастацка литература» нашриётида навбатдаги йил режасини тузиш вақтида отаоналар, ном чиқарган педагоглар, олимлар ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ҳам иштирок этадилар. Шунинг учун китоблар нашри ҳақидаги маълумотларни ҳам тез оммалаштирадилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтсам, ҳозирги кунда «ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш» деган «дард» нашриётларимизга ҳам юқди. Улар пул келтириши мумкин бўлган исталган китобни нашр этаверадиган бўлиб қолишди. Натижада болалар адабиёти нашрларига ўрин ҳам, қоғоз, бўёқ ҳам етмай қолаяпти. Масалан, «Ёш гвардия» нашриётида ҳам шу йўлдан борилиб, қимматга сотиладиган чет эл адабиётининг русча намуналарини айнан Москва нашриётларининкига нисбатан сифатсиз қоғозга босиш ишлари билан ҳам шуғулланишяпти. Ўсмирлар ва ёшлар учун илмий-маърифий адабиётлар танқислиги эса давом этиб келмоқда. Буларга ҳам чек қўйишнинг вақти етди.

Э. Й. — Суҳбатимиз модомики, болалар адабиёти мавзусида экан, ҳар бир ёшнинг ўзига хос хусусиятлари бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Чунки уларнинг фаолиятини мана шу хусусият бошқаради, яъни уларнинг кийиниши, гаплашуви, ўзини тутиши, шу жумладан, ўқиши ҳам шу хусусиятга боғлиқ. Айниқса, кичик 6-10 ёшдаги болаларда бу характер жуда яққол кўринади. Болалар билан ишлайдиган ҳар бир киши, хоҳ у ота-она, мураббий, ёзувчи ёки шоир, кутубхоначи бўлсин, ўз фаолиятида шу хусусиятларга таяниши керак. Бир неча йиллик болалар ўқиши психологияси билан шуғулланиш. Шуни кўрсатадики, бу ёшдаги ўқувчилар ўта сезгир бўлиб, кўрган-эшитган воқеа-ҳодисаларини тез қабул қиладилар ва хотирада сақлайдилар. Лекин шу нарса маълумки, улар ўқиган нарсаларидан ўзларига ёққан, қизиқтирган воқеаларнигина эслаб қоладилар. Бу нарсалар иккинчи даражали, кераксиз бўлиши мумкин. Лекин китобнинг маъноси, ёзувчи ёки шоирнинг насиҳатинга, ғоясига унча аҳамият бермайдилар. Баъзан катталар илғамаган нарсаларга кўпроқ эътибор қаратадилар. Масалан, китобдаги расмларнинг матнига тўғри келмаслигига, қаҳрамоннинг кийимига, ўзини тутишига ва ҳоказо.

Кичик ёшдагиларнинг бир хусусияти — ҳамма нарсага қизиқишдир. Улар (6-8 ёш) ўқишни унча ўзлаштира олмаганлиги сабабли ўз қизиқишларига жавобни катталардан сўраб оладилар. Шунинг учун ҳам «Нимага сигирларнинг шохи бору отнинг шохи йўқ?» каби ҳайратомуз саволлар берадилар. Яна бир хусусият-сирли нарсаларни тезроқ билиб олишга бўлган қизиқишдир. Шу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда болага китоблар орқали жавоб бериш ва бунда ҳам катталар тилидан эмас, болалар тилида жавоб бериш лозим.

БОЛАЛАР КИТОБНИ МУҚАДДАС ДЕБ БИЛАДИ. Унда ёзилган ҳамма нарсани ҳақиқатдек қабул қилади. Шунинг учун КИТОБ БОЛАНИ АЛДАМАСЛИГИ КЕРАК, агар аксинча бўлса, боланинг китобга бўлган меҳри йўқолади!

Д. С. — Болалар адабиёти ҳақида сўз юритганда, гарчи бизгача кўп бор айтилган бўлса-да, мактаб қўлланмалари ҳақида ҳам тўхталмасак бўлмас.

А. Э. — Ҳа, албатта. Бу борада менинг фикрим қуйидагича: «Ҳамма яхши нарса — болаларга!» Нақадар чиройли, улуғвор шиор! Демак, маънавий-руҳий тарбия воситаси бўлган китоблар ҳам болаларга бўлиши, бўлганда ҳам энг яхшилари, мазмунан бой, бадиий юксаклари келажак эгаларига аталиши лозим. Афсуски бу соҳада ҳам баландпарвоз гапларимизу бажарган ишларимиз бир-бирига зид бўлиб келди. Муаллифлар ва уларнинг болаларга атаб ёзган асарлари сони ва салмоғини қиёсласак бу адабиётнинг анча ночор аҳволи кўз ўнгимизда гавдаланади. Катталарнинг хатолари туфайли болаларнинг ўқишга, китобхонликка қизиқиши сўниб борди.

Янаям ошкора айтганда, миллий тарбиянинг ўрнига инқилоб баҳонасида Европа таълим-тарбиясининг мажбурий қўлланилиши ўзбек болалар адабиётини ночорлаштириб қўйди. Масалан, истаган боғча боласидан сўранг, «Қўғирчоғим»ни сўнг, «Айиқчам»ни айтиб беради. Яъни:

Қўғирчоғим Наташа,
Еб қўйибди кўп каша,
Энди нима қиламиз,
Дўхтирни чақирамиз...

ва ҳоказо.

Ёки нега «қўзичоқ», «улоқча», «тойча» эмас, «айиқча» машҳур? Нега қўғирчоқ Раъно, Камола, Зебо, Гулнора эмас, айнан Наташа-ю овқат шўрва, палов, атала, шавла, чучвара эмас, каша? Булар миллий заминдан узилиш эмасми?

Бошланғич синфларда барчага «Юлдузчам» шеъри машҳур. Ёки тўртинчи-еттинчи синфда «Ўқувчига эсдалик», ёхуд «Озод ўлкам». Бу каби шеърларда мен бадиийлик кўрмайман, балки улар вазн ва қофияга солинган оддий сўзлар тизмасидир. Шундай назм «гулдасталари» бола тафаккурини бойитадими? Асло! Эҳҳе, эринмай шундай шеърий ва насрий асарларни бир жойга тўпласак, эҳтимол, ойга етар. Бироқ ёшлар онги-фикрини уйғотадиган, ўстирадиганлари кам. Боғчалар, мактаблар учун тузилган қўлланмалар асосан саёз асарлар билан тўлдирилган бўлиб, Алишер Навоий, Бобур, Яссавий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Сўфизода, Ҳамза, Авлоний, Алавийнинг пурмаъно асарлари, ҳикматлари, халқ оғзаки ижодининг гўзал эртаклари, афсона, достонлари ва қўшиқларини сиқиб чиқаргани ҳайратга солади кишини. Ҳолбуки, бу бебаҳо хазинамизда болани одобахлоққа йўналтирувчи, ақлий камолотига таъсир этувчи қанчадан-қанча дурдона мисралар мавжуд.

Болалар адабиётининг асосини, у ҳақда тушунчаларни шакллантирадиган мактаб дарсликлари талабга мутлақо жавоб бермайди. Бошланғич синфларда ўқиш, юқори синфларда эса адабиёт дарсликлари ичида мукаммал бадиий асарлар йўқ даражада. Борлари эса кўпроқ Европа адабиёти намуналари. Ваҳоланки ўзбек классиклари асарларидан жуда самарали фойдаланиш мумкин. Болалар китобхонлигини ривожлантириш учун аввало улар руҳиятига, қизиқиши, интилиши, орзулари, дарду қувончларига мос материаллар топиб, дарсликларни миллий заминда қайта тузиш лозим. Ўйлайманки, бу борада олиб борилаётган ишлар янада тезлаштирилади.

Д. С. — Болалар адабиёти ва китобхонлигининг эртанги куни биргина суҳбатга боғлиқ эмас. Бу соҳага эътиборни кучайтириш, катта-катта давра ва минбарлардан туриб холис ниятҳамда некбинлик билан муносабат билдириш бугунги кун талабидир. Бу йўналишда ҳам яхши тадбирлар амалга оширилишига умид боғлаб қоламиз.

САХОВАТГА УНДОВЧИ БАЙРАМ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги 42-ўрта мактабда Наврўз байрами муносиб нишонланди. Байрам «ВЭТИ» корхонасининг 16 минг сўмлик маблағига қурилган эртаклар шаҳарчасидан бошланди.

Бу ерга келган меҳмонлар мактабнинг кўнгли нозик ўқувчиларига Наврўз эҳсонлари инъом этдилар. Жумладан, «Восход» ширкати 840 сўмлик болалар кийими, район касаба уюшмаси кўмитаси 735 сўмлик ўзбек халқининг миллий чолғу асбоблари, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти эса 500 сўм... Шуниси диққатга сазоворки, мактаб ҳисобига бундай эҳсонлар ўтказиш давом этмоқда.

Кечада педнатрия институти талабалари ва 15-ўрта мактаб ўқувчилари катта концерт намойиш қилишди. Шоир Сафар Барноев Наврўз ва болаларга бағишланган шеърларидан ўқиб берди.

М. РИХСИЕВА,
Оржоникидзе районидаги «Маданият» жамоа хўжалиги.

• Хандалар •

— Одам билан маймун орасида қандай фарқ бор?

— Фарқ шуки, одам маймунга, маймун эса одамга айланиб қолмаганига шукур қилади.

* * *

— Бошлиқлар ишни эплай олмай қолсалар нима қилишади?

— Дарҳол мажлис ўтказадилар.

* * *

Ишга кеч келган ходимни бошлиқ жеркиди:

— Бугун ишга яна кеч қолиб келдингизми?

— Хотиним онасиникига кетиб қолди.

— Бунга хотинингизнинг нима даҳли бор?

— Ахир ҳар куни эрталаб мени хотиним уйғотарди-да.

М. ОТАХОНОВ.

ЯШАГИМ КЕЛАДИ

Менинг кўрганларим
бир ҳовуч туш,
Сўзлаган эртагим
ҳаммаси ёлғон.
Қалбим қафасидан
учиб кетган қуш,
Озодлик нафасин
туяди шу он,
Вужудимдан жоним
қочади шунда,
Ва маккор дунёнинг
сўлим боғидан.
Парилар чақирар
мени ҳар тунда,
Ҳў, ўша осмоннинг
юксак тоғидан.
Биламан, барибир
яшагим келар,
Кемтилган умрнинг
кўзига тўймай.
Ўткинчи бўлса-да
шамол ҳам елар,
Хазонларни сочиб,
боғларда ўйнай,
Биламан, барибир
яшагим келар..

Сарвара ТОЖИБОЕВА.

• Санъатимизнинг ёш кучлари

ЖАЖЖИ ҚАЛБДАГИ УЛКАН ОРЗУЛАР

ДОСТОН Убайдуллаев... Бугунги кунда жумҳуриятимизда кўзлари кулиб турувчи бу ёқимтой болакайни танимаганлар топилмаса керак. Аксинча, унинг мухлислари кун сайин ортиб бораётир. Улар Достоннинг ойнаи жаҳон кўрсатувларидаги чиқишларини, турли танлов ва беллашувларда иштирок этишини қизиқиш билан кутадилар. Унинг қўшиқлари, ҳатти-ҳаракатлари санъатсеварлар дилига шунчалик сингиб кетганки, ҳар бир томошадан сўнг беихтиёр «улкан орзуларни миттигина қалбига жо қила олган болакайга кўз тегмасин» дея эзгу-тилаклар билдирадилар.

Эсингизда бўлса керак, ёш ижрочиларнинг «Камолот-89» кўрик-беллашуви Охунжон Мадалиев, Муҳриддин Ҳолиқов каби хушовоз хонандалар билан бир қаторда Достон Убайдуллаевни ҳам кашф этган эди. Шундан буён қўшиқчилик санъати доирасида уюштирилаётган бирорта тадбирни Достонсиз ўтганини эслай олмайман. Ўтган йилнинг октябрь ойи охирларида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндорларининг Алишер Навоий номли давлат академик Катта театрида томошалари бўлиб ўтди. Достон анчагина шамоллаб, бетоб бўлиб ётганига қарамасдан бу тадбирда муваффақиятли қатнашди. «Майсаранинг иши» спектаклидаги «Балли, калла» ҳамда «Боғкўча» ашулалари, шунингдек, тақлид санъати намуналаридан ижро этиб ҳар қачонгидек олқишлар олди, қучоғи гулларга тўлиб кетди. Сал кейин «Камолот-90» танловида ҳам иштирок этди.

Яқинда Киночилар уйида «Ўзбекфильм» студиясида ишланган «Танга қишлоғлик болалар» (режиссёр Темурмалик Юнусов) бадиий кинофильмида у ўз номи билан аталган Достон ролини ижро этди. Гоҳо беихтиёр бу болакай шунча югур-югур юмушларга қандай улгуради, энг муҳими, турли тадбирларда қатнашиш Достонни ҳам маънавий, ҳам жисмоний толиқтириб, унинг қобиляти сусайтириб юбормасмикан деб хавотирланаман.

— Сиз ҳақсиз. Бундай гапларни қариндош-уруғларимиз, яқин дўстларим, ошна-оғайниларим ва қўни-қўшниларимдан ҳам тез-тез эшитиб тураман,— дейди Достоннинг дадаси, санъаткор Рустам Убайдуллаев.— Санъат бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Падари бузрукворим — жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Асқар Убайдуллаев, қайнотам — дуторчи Абдусалом Илёсов, турмуш ўртоғим эса «Восток» клубида доира чалиш санъатидан дарс беради. Уч нафар фарзандимизнинг тўнғичи Қаҳрамон Глиэр номли махсус мусиқа мактабида ўқийди. Санжар доира чалади, кенжатойимиз Достон ашула айтади. Ўзим ҳам бизнинг ачиниб кетаман, бирор дақиқа бўш вақти йўқ. Бундоқ ўз тенгиларига қўшилиб тўп тепиш, кинога ёки музейга бориш қаёқда дейсиз? Вақти тиғизлигидан ўтган йили Бутуниттифоқ кашшофлар оромгоҳи — «Артек»ка олган йўлланмаси ҳам куйиб кетди. Уни «Қизиқчи-90» танловининг совриндори бўлганлиги учун беришганди.

Ўғлим мактабда (2-синфда) ўртача ўқийди, лекин жуда тиришқоқ ва ҳаракатчан. Шунинг учун унга ҳамиша ёрдам бераман. Мактаниш бўлса ҳам айтай, қаерга борса машинада олиб бораман. Мен иш билан банд бўлган пайтларимда унга акалари, тоғалари — «Ялла» дастаси санъаткорлари Дони ва Рустам Илёсовлар кўмаклашишади.

Кези келганда шуни айтиб ўтишни истардимки, жумҳуриятимизда Достонга ўхшаган қобилиятли болалар кўп. Фақат уларга эътибор, шарт-шароит, ота-оналари томонидан ёрдам кўрсатилиши зарур. Буни ҳисобга олган талантли режиссёр, Тошкент Давлат маданият илмгоҳи ўқитувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Бахтиёр Сайфуллаев шу кунларда жумҳуриятда фақат Достоннинг ёшида бўлган иқтидорли ўғилқизлар кўригини ташкил этиш ниятида жон куйдириб юрибди.

Сўнгги сўзим шуки, ўғлимга тенгдошларидан кўплаб мактублар келади. Улар Достондан сурат юборишни, хатларига жавоб қайтаришни ўтиниб илтимос қилишади. Ўғлим дастлаб жавоб ёзиб юрди, уларга ўзининг 120 та суратини юборди. Кейин эса бола-да, бу ишлардан толиқа бошлади. Аслида бундай кетма-кет ёзишмалар катта одамни ҳам чарчатиб қўйиши турган гап. Шунинг учун хат ёзиб жавоб ололмаганлар ундан заррача ҳафа бўлишмасин. Достон жавоб ёзишни хоҳлайди, бироқ вақт тополмайди...

Рустам аканинг сўзларини тингларканман, оталар — фарзанд таянчи, уларга қанот эканлиги ҳақидаги ҳикоятлар ёдимга келади. Ушбу сатрларни ёзиб тугатишим билан ойнаи жаҳон қўлоғини бурайман. Унда ажойиб хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий «Меҳрибонимдан кейин ҳеч ким мени ёд этмади» деб мунгли куйлаяпти. Шу топда негадир ич-ичимдан тўлиб-тошиб йиғлагим келади... Достон Убайдуллаевнинг Хасан оға каби эъзозли санъаткор бўлиб вояга етишишини орзу қиламан.

Г. ҲУСАНОВА.

ҒАЗАЛКЕНТИМ

Туғилган масканим — бобо маконим,
То борман, танимда мадор-дармоним,
Номингдан сўз очсам, жўшар
илҳомим,
Ғазалхонлар шаҳри — гўзал
Ғазалкент,
Ҳар байти тиллакор — ғазал
Ғазалкент.
Бахт бўлиб жилмаяр қошингда
қуёш,
Меҳрини сочади бошингдан қуёш,
Ҳар қатра сувингу тошингда —
қуёш,
Ғазалхонлар шаҳри — ғўзал
Ғазалкент,
Ҳар байти тиллакор — ғазал
Ғазалкент.
Сенга талпинади ким бўлса меҳмон,
Яна бир кўрмоқлик кўнгилда армон.
Таърифлаб, интилар доим сен томон,
Дилларни ром этган гавҳар —
Ғазалкент,
Шайдолари бисёр шаҳар —
Ғазалкент.

Ҳожнакбар АЗИМОВ.

• Муштарийлар ижодидан

Чинознинг оддий пахтакор, деҳқонлари ҳам шеър, ғазал ёзади. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида узоқ йиллар бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Абдураҳмон Ҳусанов ана шундай шоир-табиат деҳқонлардан бири. У шоирликка даъвогар эмас. Лекин деярли ҳар куни янги шеър, ғазал машқ қилади. Район рўзномасида ижоди намуналаридан эълон қилиб турилади.

Турғунбой Турсунбоев эса 5-ўрта мактаб немис тили ўқитувчиси. Анча пишиқ ғазаллар ёзади.

Чинозлик ҳар икки ижодкор Наврўз байрамига атаб ғазал ёзишибди.

МАҲКАМ ТУРИНГ

Шукурким, кетмади дилдан бутунлай армонлар,
Қайтди яна ўзимизга яхши одат, урфонлар.
Ким дуога қўл очса, уни бадном этгандик,
Бегуноҳ кетди қанча энг асл инсонлар.
Хато қилдик, хатомизни тан олмадик,
Дилимиздан кетмади ғаразу гумонлар.
На художўй, на даҳрий, аросатда қолгандик,
Ўз машқига ўйнатишди бадбину ёмонлар.
Қайтди яна Наврўз узоқ йиллик сургундан,
Дилларга нур ёғилди, ёзилди дастурхонлар.
Дўстлар, энди ғафлатда қолманг, маҳкам туринг,
Доимо шод юрсин Раҳмон каби деҳқонлар.

Абдураҳмон ҲУСАНОВ.

НАВРЎЗ НАВО ЎЙНАР

Бу кун Наврўзи олам, Осиё нчра наво ўйнар,
Ва ул Наврўз навосига бу кўҳна Осиё ўйнар.
Яшилранг жойнамоз узра ўрик чулғайди оқ дастор,
Таралгай суран «Кўклам» — садоқ басафо ўйнар.
Шаҳид Машраб сўзин булбул солур мусиқага тонгда,
Нўхатдек бир юракда, воҳ, Тиёншондек нидо ўйнар.
Бу кун олам тарабнокдур, бу кун ҳар гўшада мажлис,
Бу кун ҳар уйда мезбоннинг тилида «Марҳабо» ўйнар.
Ғараз бирла ҳаво бўлган кўнгилда бўлмагай шафқат,
На хуш кўнгилки, инсонга агар меҳру вафо ўйнар.
Кўзи жаллод санамларнинг бу айём лабларн майгун,
Ёноқда ғозан аълою, қўлларда хнно ўйнар.
Бобо деҳқон момо ердан кўтардн бир қисим тупроқ,
Хаёлида унинг не бир режаю муддао ўйнар.
Дуо айлар элу юртни нуроний отахонларким,
Дилида ҳақ каломню, ҳадисн анбиё ўйнар.
Ғазал айтар чоғинг, Турғун, билолмам жонажон элга,
Ўзингму маҳлиё ё эл сўзинга маҳлиё ўйнар.

Турғун ТУРСУНБОЕВ.

● БЕКОБОД районидаги маданият уйида, «Даврага кел, дугонажон» кўрик-баҳси бўлиб ўтди. Миллий анъаналаримиз асосида ўтказилган мазкур баҳсда «Маърифат» ижрочилар таркибн ғолиб чиқди.

СУРАТЛАРДА: кўрик баҳсдан лавҳалар.

Суратқаш Б. САФАРОВ.

КЕЧАГИ КУН ЛАҲЗАЛАРИ

Умумхалқ шодиёнаси — Наврўз байрами кунларида Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири «Правда» газетаси кўчасида Наврўзга бағишланган суратлар кўргазмаси очилди.

Кўргазмага республикамизнинг барча вилоятларида Наврўз тантаналари шодиёнаси, қадимий урф-одатларимизнинг қайта тикланаётгани, миллий таомлар тайёрланиши, энг муҳими халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи 80 га яқин фотосуратлар қўйилган. Айниқса, Г. Графкин, Р. Ғофуров, Ф. Қурбонбоев, Р. Шарипов, Қ. Атаев ва бошқа таниқли сураткашларнинг кўргазмага қўйилган суратлари томошабинлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг сурат шўъбаси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазманинг очилишида уюшма бошқарувининг раиси Л. Кабиров, раис муовини Ф. Абдураҳимова, республикамизнинг таниқли журналистлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

БЕБАҲО МЕРОСИМИЗ

Абдулла Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий Бағдод расадхонасида ўзи олиб борган кузатишлар ҳамда ҳинд фалакиёт жадвалларини ҳар томонлама таниқидий таҳлил қилиш асосида янги мунажжимлик жадваллари тузди. Бу жадваллар XII асрда арабчадан лотин тилига таржима қилинди.

Байтул-ҳикма Т. Н. Қори-Ниёзий айтганидек, қадимги Юнонистоннинг машҳур олими Птолемей ўзининг «Альмагест» асаридан ташқари «Жўғрофия» номли жуда машҳур китоб ҳам ёзган эди. Олим бу китобида қадимги жуғрофий билимлардан тўла маълумот беради...

Хоразмийнинг буюк хизмати шундаки, у Птолемей хулосаларини ҳар томонлама таниқидий таҳлил қилиб, унга жуда кўп жиддий ўзгартиришлар киритди ва «Китоб сурат ал-ард» деб аталган жуғрофияга доир янги, аслида оригинал асар яратди.

Бу асарда 537 жой ҳамда 209 тоғ чўққиларининг узунлик ва кенглик ўлчовлари кўрсатилган ҳамда мукаммал жуғрофий тавсифи берилган. Дарёлар, денгизлар, океанлар ва уларга туташган ҳавзаларнинг шаклини ифода этувчи энг муҳим нуқталар тавсифи келтирилган.

827 йилда халифа Маъмун фармони билан фан тарихида энг зўр тадбирлардан бири — Ернинг катта-кичиклигини аниқлаш мақсадида, Ер шарини радиуслар ҳисобида ўлчаб чиқиш амалга оширилди. Бу улкан иш Хоразмий раҳбарлиги остида, унинг ватандоши Холид ибн Абдул Малик Марваридий ва бошқа олимлар иштирокида бажарилди.

Ер шарини даражалар ҳисобида ўлчаш дастлаб эрамиздан аввалги 250 йиллар атрофида искандариялик олим Эратосфен томонидан амалга оширилган эди. Хоразмий раҳбарлигида ишлаб чиқилган ўлчовлар эса Эратосфенникидан тубдан фарқ қилади. Бу ўлчов Месопотамияда шимолий кенгликнинг 35 ва 36 даражаларига тўғри келадиган жойда ҳисоблаб чиқарилди. Эратосфеннинг усулидан фарқли ўлароқ Хоразмий усулида чизиқли ўлчов бевосита чизимча ёрдамида, бурчак ўлчовлари эса юлдузларнинг меридиан бапандлигига қараб аниқланди. Меридиан даражаси узунлиги 56 2/3 араб милясига баробар деб, яъни ўрта ҳисобда 112 километр деб белгиланди. Бу анча аниқ бўлган ўлчов эди.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

● «ДУСТЛИК» Бўстонлиқ районидаги йирик боғдорчилик шўро хўжалиги ҳисобланади. Унинг мевали боғлари 151 гектар майдонни эгаллаган. Ўтган йили истеъмолчиларга 367 тонна турли хил мевалар етказиб берилди. Шу кунларда хўжалик боғларида мевали дарахтларни қирқиш ва янги кўчатларни экиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу суратда тажрибали боғбон Беркин Мирзаахмедовни иш устида кўряпсиз. У ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери шу ерда ишламоқда.

Суратқаш И. ПОРТНОВ.

ЭҲМ ИМТИҲОН ОЛАДИ

ЧИРЧИҚДАГИ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш, техника хавфсизлиги бўйича касб тайёргарлигини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда замонавий, юксак самарали анжомлардан фойдаланилаяпти. Бунинг натижаси эса салмоқли бўлмоқда. Минг нафардан ортиқ киши ишлаётган корхонада ишлаб чиқаришда жароҳатланиш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Касалланиш ҳам қисқармоқда. Бу албатта ишлаб чиқариш учун фойда келтирмоқда.

Техника хавфсизлиги бўлимининг каттагина зали турли замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Бу ерда бир йўла 60 киши ўз касби бўйича маҳоратини ошириш, техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш билан шуғулланиши мумкин. Уларнинг билимларини текширишда электрон-ўргатиш машиналаридан ҳам фойдаланилмоқда. Бу машиналар ҳар бир ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим билимини аниқ баҳолаши билан диққатга сазовордир.

В. ТИРИН.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТАБИИЙ БИТУМ

● ИСПАНИЯЛИК истилочилар 1762 йилда Америка қитъасининг ғарбий соҳилбўйида ҳисоботларда «мучос пантамос де бреа» деб таърифланган смола ҳовузлари ёки карьерларини топганлар. Индеецлар мингларча йиллар давомида бу кон битумидан сувни сақлайдиган ва елимловчи материал сифатида фойдаланишган. XIX асрда бу ерда табиий асфальтни қазиб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирги Лос-Анжелос ҳудудида жойлашган ва деярли 100 гектар майдонни эгаллаган бу кон қадим замонларда яшаган ҳайвонлар қолдиқларининг ноёб манбаи экан. Буни археологлар 1875 йилда аниқладилар. Битум нефтнинг ер юзига сизиб чиқиши натижасида пайдо бўлиб, оддий тузоқ бўлиб хизмат қилган. Ёзда у қизиб ёпишқоқ бўлиб қолган, ҳатто йирик ҳайвонлар ҳам пашша елимга ёпишиб қолгандай ёпишиб қолган. Бу ерда бундан тахминан 40.000 йил илгари яшаган ҳайвонлар, паррандалар, қурт-қумурсқалар ва ўсимликларнинг қолдиқлари топилган.

●

ЖАҲОННИНГ ЕТТИТА СУВ МУЪЖИЗАСИ

● АҚШда махсус ташкил этилган гидробиолог олимлар ва экологлар қўмитаси «Жаҳоннинг еттита сув мўъжизаси» рўйхатини тузди лар. Улар Тинч уммонидаги бой маржон қоялари дунёсига эга бўлган Палау оролларидаги сувлар, Бойқол кўли, Қизил денгизнинг шимолий қисми, Галапагос ороллари, Бализадаги тўсиқ қоялари, Австралия қирғоқлари яқинидаги Катта тўсиқ қояларининг шимолий қисми ва Тинч, Ҳиндистон ҳамда Атлантика уммонларидаги чуқур иссиқ минерал сувлари манбаларидир.

●

ПАҲЛАВОНМИ, КАСАЛЛИКМИ!

● СИЗ СУРАТДА кўриб турган Хитойдаги Шикань қишлоғида яшовчи бу бола уч ёшда бўлиб, оғирлиги 50 килограммдан ошади. Шифокорлар 8 килограмм оғирликда туғилган бу паҳлавоннинг ниҳоятда тез семириб бораётганини сиринчиклаб ўрганиб унинг келажагидан ҳавотирланмоқдалар. Чжи Ли етти ёшга борганда вазни 140 килограммга етиб, умри тугаши кутилмоқда.

ТАСС суратчи.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ 48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

аёллар, эркаклар ва болаларнинг устки кийимларини тикиш бўйича моҳир чевар бўлиб етишиш истагида бўлган 9—11-синф битирувчиларини

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

9-синфларни битирганлар 1—3 йил ўқийдилар ҳамда бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Бир йиллик таълим дастури бўйича ўқийдиганлар касбий маълумот ҳамда тикувчи малакасини эгаллайдилар ва Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси база корхонасига ишга юборилади лар. 3 йил ўқийдиганлар касбий ва тўлиқ ўрта маълумот оладилар.

Билим юртини имтиёзли битирган ўқувчиларнинг 10 фоизи олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга кириш учун йўлланма оладилар.

11-синфни битирганлар 6 ой ўқийдилар ва ойига 39 сўмдан 60 сўмгача стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юрти ўқувчилари «Қизил тонг» фабрикаси ҳудудида жойлашган маиший ва тиббий хизматлар, профилакторий, саноат моллари ва озиқ-овқат дўконларидан фойдаланишлари мумкин.

Билим юрти қошида ўқувчилар «Модалар театри» ва И. Ганди номидаги Тикувчилар маданият саройи базасидаги ҳар хил ижодий, спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан маълумотномалар, 3×4 см катталикдаги 4 та фотосурат.

Билим юрти манзили: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60, 71, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

Беморлар, шунингдек ўз корхоналаридаги ишлаб чиқаришда касалликка чалиниш ҳолларини камайтирмоқчи бўлган шаҳар муассасаларининг раҳбарларига ва поликлиникаларнинг бош шифокорларига

ШАҲАР ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАСЛАҲАТ ПОЛИКЛИНИКАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ

БУ ЕРДА ШАРТНОМАГА БИНОАН НАҚД ПУЛ ТЎЛАШ ЁКИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ИККИ БАРАВАР ТЕЗРОҚ ДАВОЛАШ МУМКИН БЎЛАДИ:

трофик яралар ва узоқ вақтгача тузалмайдиган яралар;

йирингли абсцесслар, чиқонлар, карбункуллар, операциядан кейинги сўрилиб битмаган яралар;

суяклар ва бўғимларнинг яллиғланиши билан боғлиқ касалликлар;

периферик нерв системасининг зўрайган давридаги касалликлари — беланги, люмбаго, невритлар, умуртқа поғанасининг остеохондрозлари;

томир системасининг касалликлари — оёқлардаги тромбофлебитлар, томир тешикларининг битиб қолиши билан боғлиқ ҳолда кечадиган эндоартрит, Рейно касаллиги;

кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғидаги органларнинг яллиғланиши билан боғлиқ касалликлар;

суяклар ва бўғимлардаги пайларнинг травматик шикастланишлари, миозитлар, бурситлар, тендовагинитлар;

ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси;

меъда яллиғланиши;

аёлларнинг шамоллаш касалликлари;

бачадон бўйни яллиғланиши;

сурункали простатитлар;

тўғри ичак касалликлари;

хафақон касаллигининг илк босқичлари;

магнит бўронлари ва об-ҳаво ўзгаришлари билан боғлиқ вегетодистониялар.

Лазер нури билан биргаликда магнит майдонининг таъсир кўрсатиши туфайли Сиз бу дардлардан фориғ бўласиз.

Игна-рефлекс муолажаси билан даволашда СПИД ва сариқ касаллигининг юқиш эҳтимоли маълум даражада хавф солади, албатта. Бунинг олдини олиш учун бу ерда магнит-лазерли акупунктура, классик уқалаш, Жуна Давиташвили усулида қўл тегизмай уқалаш йўлга қўйилган.

Сизга поликлиникада, ишхонангизда ва ҳаттоки уйда даволанишни таклиф этишлари мумкин. Даволаш курси тугаганидан сўнг баъзи касалликларнинг олдини олиш учун беморлар: магнитли клипслар, патаклар, белбоғлар, билагузуклар, тиззага боғланадиган аппликаторларни харид қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 57-уй (метронинг «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» бекатлари). Телефонлар: 44-34-95, 44-60-94.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚОМИТЕТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАСЛАҲАТ ПОЛИКЛИНИКАСИ,

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

«КИМГАН» МЕҲМОНЛАРНИ КУТЯПТИ

● Тошкентнинг Қорасув-1 даҳасида очилган «Кимган» (Олмос) қаҳвахонаси қовурилган балиқ, қўзиқорин қўшиб пиширилган гўшт, балиқдан тайёрланган хе, ловияли шакароб ва ўнлаб хил ғаройиб таомларни таклиф қилмоқда. Кореяннинг бирлашишига ёрдам совет уюшмаси ҳузурида ташкил этилган «Данхап» фирмаси мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари туфайли у оддий ошхонадан биринчи классли шарқ ресторанига айланди.

Бу ерда Шарқ таомлари тайёрлашга қарор қилингани бежиз эмас. Фақат жумҳурият пойтахтининг ўзида ҳозир 44 мингдан зиёд корейс яшаб турибди, жумҳуриятда эса улар 200 минг кишидан кўпроқни ташкил этади. Лекин «Кимган» фақат Тошкент аҳолиси учун мўлжалланган эмас. Кейинги вақтларда жумҳуриятимиз пойтахтига, минтақамизга жуда қизиқиб қолган Япония, Корея ва Хитой тадбиркорлари тез-тез келиб туришибди. Улар қўшма корхоналар, шу жумладан умумий овқатланиш комплекслари тармоғини ташкил этиш юзасидан кўплаб таклифлар киритишмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

Тошкент районидаги 16-ҳунар-техника билим юрти талабалари бу кечага астойдил тайёрландилар. У ёшларни миллий урф-одатларимизни ўргатишга, маънавий қадриятларимизни эъзозлашга қаратилган танловлардан иборат бўлди. Билим юрти бошланғич партия ташкилотига Лола Умрзоқова котиб этиб сайлангандан сўнг ёшларнинг дам олишларини кўнгилдагидек ўтказиш учун бир қанча тадбирлар белгиланди. Асосий мақсад билим юрти талабаларини ана шу тадбирларга қизиқтира олиш эди. Лола бунинг уддасидан чиқди. Ёшлар унга эргаша бошладилар.

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги кўрикда саралаш танловларига якун ясалди. Ғолибларга комсомол қўмитаси совринлари топширилди.

Бу кўрикда халқ депутатлари Тошкент район кенгаши раисининг ўринбосари А. Қориев ҳам иштирок этди.

Баҳор келиши муносабати билан билим юрти гуруҳлари ўртасида спорт мусобақалари ҳам бошланиб кетди. Футбол, волейбол, шахмат-шашка бўйича мусобақа ғолиблари район биринчилигида билим юрти шарафини ҳимоя қиладилар.

• *Сўраган эдингиз*

ЙЎЛ СОЛИҒИ ҚАНЧА?

ШАХСИЙ транспорт эгаларн учун бу йилдан бошлаб йўл солиғи ошди. 64 от кучига эга бўлган 21-01 маркали машинам учун 128 сўм тўлаб, техникавий кўрикдан ўтишга борсам яна 37 сўм 50 тийин тўлаб келинг дейишди. Тўладим. Менга ўхшаб шахсий машина эгаларидан тушаётган минглаб, эҳтимол, миллионлаб сўм маблағ қаерга сарф бўляпти? Тошкентдек азим шаҳарнинг ўйдим—чуқур кўчаларига сарф қилинадими, йўқми? Умуман йўл солиғи пуллари нималарга сарф бўлади? Шу саволимга рўзномангиз орқали жавоб берсангиз.

С. МИРҲАКИМОВ,
автоҳаваскор, ўқитувчи.

БИЗ ушбу мактуб билан Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармасининг диагностика станцияси бошлиғи Даврон Умаровга мурожаат қилдик.

— Аввало саволингизга жавоб берсам. Шу йил 1 январдан ҳар қандай шахсий транспорт воситалари учун йўл солиғи тўрт бараварга ошди,— деди Д. Умаров,— Яъни ҳар бир от кучи қувватига 2 сўмдан қилиб белгиланди. Келинг, шахсий машина эгаларини чалғитиб юрмаслик учун қайси машиналарга қанчадан тўлашини қайд қилиб қўяқолай: 21-01 учун 128 сўм, 21-11 учун 138 сўм, «Москвич-412» учун 150 сўм, «ГАЗ-2410» га 190 сўм, «Запорожец»нинг 30 от кучлилигига 60 сўм, 40 от кучлилигига 80 сўм, 21-03 га 154 сўм, 21-06 га 160 сўм. Булар — бир йиллик йўл ҳақи ҳисобланади. Ҳозирда станцияга келаётган шахсий машина эгалари икки йиллик мухлат билан кўрикдан ўтадилар. Яъни уларнинг техник паспортларига машиналари 1993 йилгача назоратдан ўтган деган белги қўйилади. Бу йил кўрикдан ўтганлар келаси йил ўтишмайди. Лекин 1992 йил учун йўл солиғини тўлаб қўйишлари керак.

Юқорида сиз айтган автоҳаваскор С. Мирҳакимов 1989 йилда 37 сўм 50 тийин тўлаб, бу йил кўрикдан ўтгани келган. Ўтган йил учун эса солиқ тўламаган.

Йўл солиқларидан тушган тушум масаласига келсак, барча маблағлар республика бюджети ҳисобига ўтказилиб, шаҳар жамоат транспорти муаммоларини ҳал қилишга сарфланади. Албатта, ҳар бир шофер каттагина миқдорда йўл солиғи тўлаб қўйгач, йўлларимизнинг текис бўлишини истайди. Бу ҳақли талабга биз ҳам қўшиламиз.

Халқлар дўстлиги кўчаси 118-а уйда жойлашган диагностика станциямизда ҳар куни 200 дан зиёд машина техникавий кўрикдан ўтяпти. Машинангиз техник жиҳатдан соз бўлса, бу энг аввало ўзингиз, оилангиз, қолаверса, бошқалар ҳаёти учун хавф-хатарсиз бўлади. Станциямизнинг моҳир операторлари Тоҳир Азимов, Алишер Тўлаганов, Лутфулла Зуфаровлар носозликни бартараф этишда сизга яқин маслаҳатгўйдирлар. 1980 йилдан буён чиқарилган машиналар бизнинг станциямизда, ундан аввалги йилларда чиқарилганлар эса давлат автомобиль назоратининг район бўлинмаларида кўрикдан ўтади. Станциямиз дам олиш кунисиз ишлайди. Бу йилги кўрикнинг сўнгги мухлати 31 июлгача. Ўз вақтида кўрикдан ўтиб, хотиржам бўлиб олганга не етсин. Муҳлатни ўтказиб, жарима тўлаб, асаб бузиб юришингизни сира истамаймиз.

Д. УМАРОВ,
Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси диагностика станцияси бошлиғи.

• *Сўраган эдингиз*

КЎЧАЛАР, НОМЛАР

● Ленин районидаги Весна кўчаси XIV асрда яшаган Тошкент (Банокат)лик йирик тарихчи олим номи билан Абу Сулаймон БАНОКАТИЙ кўчаси деб ном олди.

● Куйбишев районидаги Жакарта кўчаси улуғ саркарда хотирасига Жалолиддин МАНГУБЕРДИ кўчаси деб; Победа кўчаси эса темурийзода, Бобурнинг қизи «Хумоюннома» тарихий асари муаллифи хотирасига ГУЛБАДАНБЕГИМ кўчаси деб юритилди.

● Новоульяновск кўчаси эса XV асрда яшаган улуғ олим хотирасига Султонали МАШҲАДИЙ номини олди.

● Киров районидаги яна бир кўча — Боксерская кўчасига таниқли жамоат арбоби Зариф ЖАЛОЛОВ номи берилди.

ФУТБОЛ

АРМИЯЧИЛАРНИ КИМ ТЎХТАТАДИ?

СССР чемпионатида иштирок этаётган командалар тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ўзи хоҳламаган ҳолда бу турни ўтказиб юборди. Гап шундаки, 31 март куни ҳамшаҳарларимиз билан учрашиши лозим бўлган Москванинг «Спартак» командаси чемпионат авжига чиқаётган пайтда ...Японияга жўнаб кетди. СССР футбол федерацияси спартакчиларнинг «Пахтакор» ва 5 апрелга мўлжалланган Киевнинг «Динамо» командалари билан ўтказиши лозим бўлган ўйинларини бироз кечга суриш тўғрисидаги илтимосини рад этган эди. Лекин «Спартак» ўз билганидан қолмади. Футбол федерацияси бу можарони ҳал этишни мусобақалар ўтказиш комиссиясига топширди. Комиссия ўз навбатида маълум қарорга фақат «Спартак» Япония сафаридан қайтгандан сўнггина келишини маълум қилди. Команданинг жазоланиши муқаррар. Фақат қай йўл билан — бу бизга қоронғу. Одатда бундай ҳолларда ёки йирик миқдорда жарима солинади (валюта ҳисобида), ёки қолдирилган ўйинлар ўтказилмай иккаласида ҳам «Спартак»ка 0:3 ҳисобида мағлубият ёзиб қўйилади.

Тўртинчи тур учрашувларига қайтсак, унда Москва армиячилари кетма-кет тўртинчи ғалабага эришдилар. МАСКнинг аввалги ғалабаларини кўпчилик ёпиқ бинода қўлга киритгани учун алоҳида аҳамият бермаган бўлса, Минскда армиячилар очиқ ҳавода ҳам чиройли ўйин кўрсата олишларини намойиш қилдилар. Ярим ҳимоячи Брошиннинг киритган ягона тўпи армиячилар ғалабасини таъминлади.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Локомотив» — «Металлург» — 2:0, «Шахтёр» — «Помир» — 0:0, «Торпедо» — «Арарат» — 2:0, «Металлист» — «Спартак» (Владикавказ) — 2:0, «Черноморец» — «Динамо» (Киев) — 0:1, «Днепр» — «Динамо» (Москва) — 1:0.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
1. МАСК	4	4	0	0	12—2	8
2. «Днепр»	4	3	1	0	4—1	7
3. «Шахтёр»	5	2	3	0	5—2	7
4. «Арарат»	5	3	0	2	3—4	6
5. «Торпедо»	4	2	1	1	7—4	5
6. «Спартак» М	3	2	0	1	4—3	4
7. «Металлист»	4	2	0	2	3—5	4
8. «Черноморец»	4	1	2	1	4—2	4
9. «Динамо» К	4	1	2	1	4—5	4
10. «Динамо» Мн	4	1	1	2	4—4	3
11. «Локомотив»	4	1	1	2	5—8	3
12. «Помир»	4	0	3	1	1—2	3
13. «Металлург»	4	1	0	3	2—5	2
14. «Спартак» Вл	4	0	2	2	3—7	2
15. «Пахтакор»	3	0	1	2	2—4	1
16. «Динамо» М	4	0	1	3	2—7	1

Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IV да **Севги тумори**, 4/IV да **Севилья сартароши**, 5/IV да **Спартак**, 6/IV да **Иоланта**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IV да **Мирзо Улуғбек**, 3/IV да **Келинлар қўзғолони**. 4/IV да **Тўмарис**, 5/IV да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларининг раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

Хўжалик ҳисобидаги Ўзбекистон Жумҳурият сайёҳлик-спорт маркази «ЧИМЁН» САЙЁҲЛИК КОМПЛЕКСИГА БИР КУНЛИК ОММАВИЙ САЁҲАТЛАРНИ УЮШТИРАДИ

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй.

Телефонлар: 33-10-55, 32-24-40, 33-73-74.

Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 5210. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12